услубий ёндашувлар ичида фукдролик жамиятини илмий кшкик, этишнинг либерал мактаби му\им ахдмият касб эта Гюшлади. Чунки, XX асрда куплаб мамлакатларда фукдролик жамияти куриш жараёнларининг авж олиши бу олимлар на-трий кдрашларини амалиёт тажрибалари билан уйгунлашу-вига шарт-шароитлар яратди. Бу даврга келиб фукдролик жамиятининг янгидан-янги белгилари ва ривожланиш та-мойиллари пайдо булиши натижасида улар билан ботик\олда илмий тадк.ик.отлар янада чукурлашиб борди.

# II боб

# УЗБЕКИСТОИДА ФУКДРОЛИК ЖАМИЯТИ АС ОСЛАРИИИИГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁИЛАРИ

## *2.1.* Мустациллик даврида жамият тизимидаги институционал узгаришлар

Узбекистан собик; иттифок, даврида хам миллий, хам яккахоким мафкура зулми остида яшади. Коммунистик мафкура уз табиатига биноан тоталитар рухдаги мафкура булиб, у асосан хаётнинг барча жабхаларини эгаллашга, хар бир инсоннинг шахсий хаётини хам бутунлай назорат кдлишга даъвогар эди. Тоталитар мафкура уз табиати ва характеридан келиб чик^иб "буюк келажак" учун утмишни хам, бошқа хар кдндай мафкураларни хам инкор этган эди.

Коммунизм рояси нафакдт утмишдаги кдцриятларни йук к^илишга, балки узига хос янги кддриятлар жорий к,илишга даъват этди. Коммунизм роясига асосланган коммунистик партия зурлик билан, куч ишлатиш воситасида, мажбурлаш йули билан тоталитар жамиятни куришга хам эришди.

Рус олими М. Восленский собик, иттифок, даврида хукм сурган тоталигаризмнинг бош белгисининг характерли хусусияти туррисида куйидаги фикрни билдиради: "Бу жамиятда янги хукмрон синфнинг шаклланиши, номенклатура, яъни сиёсий бюрократиянинг ижтимоий хаётнинг барча соХаларидаги хокимиятни монополия кдлиб олди. Бу синф нафакдт уз тузилмалари ва имтиёзларини яширин сакдашга интилди, балки узининг мавжуддигини хам сир сакдашга уринар эди. Номенклатуранинг ташк,и белгисига эеа янги типдаги партиянинг тузилганлиги мисол була олади: номенклатуранинг узаги ана шу партиянинг сиёсий аппарати шаклида намоён булар эди"[1].

[1] Восленский М. Феодальный социализм. Место номенклатуры в истории. — М.: Новый мир 1991. 197-бет.

Жамиятнинг барча сохасидаги хокимият бутунлай партия-1.1 гегишли булиб, коммунистик партия ва давлат аппарата |>нр-бири билан чирмашиб ва кушилиб кетган эди. Шунинг-1ск, жамиятни давлатлаштириш даражаси хам узининг энг кжсак чукдисига чи^иб, давлатдан муста^ил булган ижтимоий хаёт ва жамиятнинг демократик институтлари бутун-:ай йук кдлинди: коммунистик партиядан бошкд барча партиялар тор-мор килинди, барча жамоат ташкилотлари га нодавлат бирликлар хукмрон партияга буйсундирилди. Х,ук,ук, ва крнунларнинг жамиятдаги урни пасайиб, коммунистик партия к,онун билан чекланмаган ва крнунга буйсунмаган чексиз ваколатларга эга булди. Партия аппарата икдисодиётнинг барча сохаларини монополия кдлиб олган холда маъмурий буйрук,бозлик усулида рахбарлик к,ила бошлади.

Шунингдек, коммунистик партия барча оммавий ахборот воситаларини хам бутунлай монополия кдлиб олган эди. Ана шундай шароитларда бутун бир улкан сиёсий тизимни сакдаш зурлик ва куч ишлатишсиз амалга ошиши к,ийин эди. Коммунистик партия шахе хаёти, оила, дин, санъат, фан, маданий анъаналар каби ижтимоий хаёт сохаларини ,\ам уз назорати остига олиб, бу сохалардаги кддрият ва меъёрларни белгилаб беришга хам даъвогарлик к,ила бошлади.

Жамият аъзоларининг эркин фикрлаш, мехнат кдлиш ва уз шахеини интеллектуал ва маънавий жихатлардан юксалтириш, яратувчилик ижодий цобилиятини такомиллаштириш каби сифатларини ривожлангириш имкониятлари тоталитар режим томонидан сикиб куйилганлиги учун хам собик, шуро жамияти узини узи ривожлантириш ва янгилаш имкониятларидан деярли махрум булган эди. Шунинг учун хам бу жамият тез узгараётган дунёга нисбатан мослаша олмади. Коммунистик партия ва давлатнинг ишлаб чикдриш ва моддий-маънавий бойликларни так,симлашдаги урнининг бекиёслиги, уларнинг хусусий мулкчилик ва бозор ракрбатчилигини так,икдаш сиёсати, шунингдек, ортик,ча ижтимоий дифференциацияга йул куймаслиги ок,ибатларида жамият ва давлат ривожланишидаги барча мак^садлар мажбурлаш воситаларида амалга оширила бошланди. Бошкдча айтганда, бошкдрув ноиктисодий усулларда, яъни

иқдисодиётнинг ривожланиш к,онуниятларини хеч бир хисобга олмаган \олда амалга оширилди. Шунинг учун хам жамиягда демократия унсурларининг шунчаки бир яшаши учун бирон-бир имконият >^ам йук эди.

Давлат хокимиятининг барча жабхдси факдт коммунистик партияга тегишли эди. Бу холатни таникди сиёсатшунос Ханна Арендт узининг "Тоталитаризм вируси" номли асарида куйидагича ифодалайди: "Партия доимо жамиятнинг тизилмалашуви билан ботик, булиб, унинг маълум кдтламлари манфаатларини ифода этди. Оломон учун тизилмавийликнинг етишмаслиги янги тиидаги партияга булган заруриятни шакллантирди. Бутун бир жамият манфаатларини ифода этишга даъвогарлик кддаётган партия фукдролик жамиятини оломон гурухларга айлантирди, партиянинг узи эеа партиявий-бюрократик давлат тизимига усиб утди"[1].

Мамлакатда яккахркким партия ва мафкуранинг тазйик.и ок,ибатларида шахенинг эркин фикрлаши, уз атрофидаги во^еликни эркин ва халол тахдил этиши, уз ташаббускорлиги ва ижодий к,обилиятини тулик, намоён кдлиши, шунингдек, узи хохлаган тарзда ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун хеч бир шарт-шароитлар кдлмаган эди. Шунинг учун хам жамият аъзолари уртасида ижтимоий паесивлик ва бощшандалик кайфияглари мислеиз тарзда кучайди.

Рус олими А.А. Кара Мурза собик, совет давридаги партиянинг хукмрон мавкрини куйидагича ифодалайди: "Партияга унинг сафидан чикдриш имконияти мавжуд булганлиги учун хам кабул киладилар. Мамлакатдаги барча лавозимларга партия аъзолари бошкдлардан истеъдодли, аъло, адолатли булганликлари учун эмас, балки улар нисбатан купрок, итоатгуй булганликлари учун куйиладилар — уларни салгина итоатсизликлари учун хеч бир судсиз кдтл этиш ёки камокка ти^иш мумкин. Партия ва хокимиятнинг кучи партиявий "таъсир"нинг (шундай атаганлар) хамма ерда мавжуд булганлигидадир. Партиядан хайдалган одам бепоён

' Арендт X. Вирус тоталитаризма // Изучая прошлое во имя будущего (круглый стол). — Политические исследования, №6, 1991. 165—166-бетлар.

мамлакатнинг бирон-бир бурчагида хам тазйикдан панох, юпиш учун жой топа олмас эди"[1].

Партия ва совет давлатининг бараварлаштириш сиёсати кишилардаги шахсий ташаббус, ижодий фикрлаш, сиёсий ёки ишлаб чикдришдаги муаммоларни мустакдл тарзда ечиш каби крбилиятларининг ривожланишига имкон бермади.

Собик коммунистик партия "кардош республикалар" компартияларига нисбатан хам империячилик ва тоталитар усуллар воситасидаги бошкарувни куллади. Масалан, итти-({зок республикалари компартияларининг низомий-хукукий макоми РСФСР вилоятлари ва улкалари партия ташкилотлари билан бир хилда белгиланган эди. Лекин, амалда Россиядаги шахар ва вилоятлар партия ташкилотларининг сиёсий макоми даражаси республикалар компартияларидан юк,ори эди. Масалан, Москва ва Ленинград шахарлари партия ташкилотларининг иерархия даражаси КПСС Марказий Кумитаси билан республикалар компартиялари уртасидаги погонада белгиланган эди (мазкур партия ташкилотларининг биринчи котиблари КПСС Марказий Кумитаси сиёсий бюроси аъзоси этиб тайинланарди).

Республикалар компартиялари уртасида хам узаро тенглик йукэди. Бунда хам уларнинг рахбарларини славян халкларининг вакили эканлиги ёки бош котибга кднчалар як,инлигига эътибор берилар эди: XX асрнинг 60 — 90-йилларида Украина, Белорусия ва Козогистон компартиялари марказий кумитаси биринчи котиблари партия марказий кумитаси сиёсий бюроси аъзоси ёки унга номзод булиши кридага кирди (кейинги даврларда Узбекистан компартияси марказий Кумитаси биринчи котибининг сиёсий бюро аъзолигига номзод сифагида кириши хам одат тусини олди). Лекин крлган республикалар компартиялари рахбарлари олий элита — сиёсий бюро — таркибига киритилмас, уларга факат марказий кумита аъзоси булишдек куйирок партиявий погонадан жой ажратилар эди.

КПСС иттифокдош республикалар компартияларини мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасига айлантирган эди. СССР конституциясининг 6-

' Кара Мурза А.А. Тоталитаризм — феномен XX в.?//Тоталитаризм как исторический феномен. — М., 1989. 23-бет.

моддасида КПССнинг "совет жамиятининг ядроси ва уни йуналтириб турувчи" куч эканлиги крнунлаштирилганлигига эътибор берилса, партиянинг тоталитар жамиятни зурлик ва зулм воситасида бир маромда ишлашини таъминлашга кдратилган асосий сиёсий хркимият эканлиги як^ол куринади[1].

Иттифокдош республикаларни марказ томонидан итоатда ушлаб туришнинг яна бир шакли, бу — республикалар марказий, вилоят, туман ва шахдр партия ташкилоти кумиталари иккинчи котибларининг асосан рус ва славян миллати вакилларидан куйилишидир. Иккинчи котиблар туман, шахдр, вилоят ва республикадаги халк хужалигининг барча тармокдарига ра^бар кадрларни танлаб куйиш ёки уларни лавозимларидан бушатиш, кадрларни гайёрлаш ва кдйта тайёрлаш масалаларига бош мутасадди эдилар. Шунингдек, иккинчи котиблар партиянинг барча кадрлар ва ташкилий ишлари — партияга кдбул килиш ёки ундан чикдриш, партия ра^бар органларининг мажлислари, бюро пленумлари, конференциялари, курултойларини, шунингдек, партия органлари сайловларини утказишни амалга ошириш фаолиятига бошчилик к,илар, шу билан бирга, бу со\аларни узининг каттик, назорати остига олган эдилар.

КПСС келажакда "фаровон \аёт" куриш каби хаёлий жозибадор ак,идалар билан уз шаклини кднчалик безамасин, унинг асосий макради тоталитар жамиятни, шунингдек, амалда рус булмаган халкдарни марказнинг мустамлакачилик сиёсати остида зурлик билан ушлаб гуришни таъминлаб турувчи мукаммал империячиликни амалга ошириш эди. Файласуф Н.А. Бердяев 1940 йилда шундай деб ёзган эди: "Совет Россиясига булган муносабатларимда бирон-бир му\им узгаришлар булмади. Мен Совет \окимиятини бирдан-бир рус миллий ^окимияти, деб х.исобладим. Бундан бошкдча булиши \ам мумкин эмас. У факдт Россиянинг халкдро муносабатлардаги вакилидир"[2].

[1] Кдоанг: Крючков Г.К. Политический авангард общества: его место и роль в перестройке.//Страницы истории советского общества: Факты, проблемы, люди. — М.: Политиздат, 1989. 408—409-бетлар.

[2] Бердяев Н.А. Самопознание. (Опыт философской автобиографии). - М.: Книга, 1991. 340-бет.

КПССнинг биргина Узбекистонга нисбатан муносабати, шунингдек, бу ерда олиб борган сиёсатини урганиш шуни курсатадики, собик, партиянинг империячилик сиёсати рус подшоларининг мустамлака улкаларда олиб борган сиёсатига нисбатан х,ам ута аянчли ва ута да\шатли тарзда амалга оширилган.

Коммунистик партия томонидан Узбекистан улкан мамлакатнинг пахта хом ашёсини етказиб берувчи базасига айлантирилди. Етиштирилган пахта косилига марказ эгалик к,ила бошлади. Республиканинг хом ашё улкасига айлантирилиши унинг аграр минтакд булишини такрзо этди. Ок^батда республика ик,тисодий ва ижтимоий-сиёсий хаётнинг \амма со\аларида бошкд итгифокдош республикалардан бир неча марта оркдда колиб кетди. Марказнинг кузга куринмас, ник,обланган мустамлакачилик сиёсати партия фаолиятининг барча со^аларида сезилар эди.

Деярли барча экин майдонларини пахтага мослаштириш, муггасил бир хил экин экилишидан чарчаган далаларга табора купрок, кимёвий ва зах,арли угитлар солиш мисли курилмаган даражада авж олди. Бунинг натижасида х,аво, сув, озик,-овк,ат, мева ва полиз ма^сулотларининг зарарланиши инсон саломатлигига хавф солиб, куплаб янгидан-янги касалликларни келтириб чик,арди. Болалар улими них,оятда купайди. Сувдан истик,болсиз, уринсиз фойдаланиш Орол фожиасини келтириб чик,арди.

Тургунлик даврида \ам ана шу эски сиёсат маданийрок, ва пухта ник,обланган равишда давом этди. Иттифок,нинг Европа к,исмида тухтовсиз равишда кучайиб бораётган хомашёга булган талабни к,ондириш мак,садида Узбекистонда пахта етиштиришнинг энг охирги имкониятлари \ам ишга солинди. Натижада экологик х,олат янада ёмонлашди, пахтакор мех,нати жуда огирлашди. Халк,нинг турмуш кечириш даражаси к,ийинлашиб, ик,тисодий-ижтимоий муаммолар янада кескинлашди.

Кдйта куриш даврида к,исман берилган демократик эркинликлар, ошкоралик, халк,ни узини узи бошкдриш кафолатлари халк, ахролини тубдан яхшилай олмади. Чунки, бошк,ариш, ишлаб чик,ариш ва мулкчиликнинг эски усуллари бекор к,илиниб, янгиси барпо кдлинмаганлиги, итти-

фокдош республикалар уртасидаги и^тисодий алокдлар бузилганлиги, марказнинг яна якках,окимлик к^илиш сиёсатидан кдйтмаганлиги, узаро ички сиёсий курашлар, РСФСР билан иттифок ва унинг тузилмалари уртасидаги ^окимият учун узаро курашлар ва унинг ик,тисодий ок,ибатлари халк,нинг моддий а^волини кескин ёмонлаштирди. Халк, истеъмол моллари, озик^овкдт махрулотлари так^чиллиги кучайиб борди. Нарх-наво хам тухтовсиз ошиб борди.

1989 йилда Президент Ислом Каримов республика ра\бари булган даврда мамлакат сиёсий ва ижгимоий-ик;тисодий хдётида ана шундай онир вазият ва бухронлар мавжуд эди. Бир томондан, марказнинг иттифокни сакдаб крлиш умидидаги тазйикдари, иккинчи томондан, узини мухолифатчи деб атаган турли гурух, ва о^имлар бошликдарининг хуружлари республика хукумати баркдрор сиёсат олиб боришини хавф остига куйди. Ана шу даврдаги вазиятда, марказ билан республика уртасидаги кучлар нисбатидан келиб чиКиб, Ислом Каримов миллий мустакдллик учун харакатни дастлаб Узбекистон компартиясининг КПССдан мустакдл булиши учун курашдан бошлади. Чунки, уша даврдаги марказда барча сиёсий \окимиятни узига монополия к,илиб олган КПССдан бошкд кудратли куч йук эди. КПСС Узбекистоннинг миллий мустакдл давлат булишига асосий тусик, булмокда эди. Уша даврда "КПССдан мустакдл булиш", деган суз миллий мустакдлликка эришиш ва мустацил давлат булиш маъносини берар эди.

Ана шундай кийинчиликлар даврида марказдаги олий хркимият — КПСС ра^барларидан бир гуру^ининг 1991 йил 19—21 август кунлари давлат тунтариши кдлишга уринишлари ва унинг оцибатлари шуни курсатдики, энди Узбекистон марказнинг вассали булиб крла олмайди. Марказда галаба калган сиёсий кучларнинг баъзи бир \аракатлари, иттифокнинг бошкдриш тизилмаларини бошкд республикалар билан хрч бир келишмай туриб ишгол кдлишга уринишлар, КПСС олий ра^барияти бир кисмининг давлат тунтаришида ишгирок этиши, КПСС фаолиятини расман тухтатиб куйилиши каби вокралар Узбекис-

тонни иттифок, таркибида ривожланишини шуб\а остига куйган эди[1].

Ана шундай кдйин, тахдикали ва мураккаб шароитларда Узбекистон Республикасининг Давлат мустакдллиги эълон к,илиидди, шу билан бирга, Президент Ислом Каримов Узбекистон компартиясини тугатиш йулини тутди. Албатга, Президент И.А. Каримовнинг бундай кдрорга келишининг мантилий сабаблари бор эди: партия етмиш йилдан ортикрок, Узбекистонни истибдодда ушлаб турди; ана шу даврда тоталитар жамият куриш FOHCH ва мафкураси \ам партия томонидан ишлаб чикдлди, бундай жамият куриш амалиёти хам партия томонидан хаётга татбик, этилди; партия доимий ва мунтазам равишда узбек халкининг мустакиллигига, миллий, маънавий, маданий меросига, миллий тарихи ва анъаналарига карши кескин сиёсат утказиб келди; партия кдндайдир "тенглик" жамиятини таргибот-ташвик,от цилгани билан амалда ва яширин равишда марказнинг Узбекистонга нисбатан империячилик сиёсатини утказиб келди; партия уз табиати ва гоясидан келиб чикиб хар кдндай демократик кддриятлар ва фукдролик жамияти шаклланишига карши тиш-тирноги билан кдршилик курсатиб келди; партия жаХонда коммунистик жамият куриш макрадидан келиб чик,иб, хеч кдчон Узбекистонни миллий мустакдл давлат булишига йул бермаслиги аник, эди; Президент Ислом Каримов макрад к,илиб куйган фукдролик жамияти ва хукук,ий давлат куриш гояси партия гоясига бутунлай тугри келмасди; коммунистик партиянинг манфаатлари \ам бутунлай миллий манфаатларга кдрама-кдрши рухда эди.

Умуман, XX асрнинг 90-йиллари бошидаги Узбекистон учун "коммунистик партиядан халос булиш", деган суз миллий мустакдлликка эришишнинг асосий шарти булиб долган эди. Шунинг учун хам 1991 йил 14 сентябрда Узбекистон Компартиясининг XXIII навбатдан ташкдри съезди чак,ирилиб, унда республика партия ташкилоти узини узи тугатишга кдрор кдлди.

Лекин бу жараёнлар хам силлик, кечгани йуц. Бу пайтда хали куплаб рахбарлар, партия аъзоларининг аксарият к,ис-

[1] Кдранг: Киргизбоев М. Фуцаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т.: Шарк,, 1998. 110—111-бетлар.

Узбекистон хали иттифок, таркибида була туриб, бошкд республикалар рахбарлари уз мамлакатларини конфедератов иттифок^а киришига куз тутиб турган бир пайтда, Президент И.А. Каримов 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш сессияси минбаридан Узбекистон Республикасининг Давлат мустакдллигини эълон кдлди. Шу куни Олий Кенгаш "Узбекистан Республикасининг Давлат мустакдллиги тутрисидаги Баёноти"ни эълон килди.

Узбекистонда Миллий мустак,иллик учун харакат бир томондан коммунистик тоталитар тузум асоратларидан халос булиш, покланиш жараёнлари билан уйгун равишда кечган булса, иккинчи томондан, жахондаги илгор мамлакатлар тажрибаси асосидаги махаллий халк, менталитетидан келиб чик,иб жамиятни демократлаштириш билан хамоХанг борди. Миллий мустакдплик арафасидаёк. куппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва хукуматдан айрим жамоат бирлашмалари тузулмаларининг эркин фаолият курсатиши учун хукукий шарт-шароитлар яратишга интилиш республика рахбариятининг XX асрнинг 90-йиллари бошидаги стратегик сиёсий ислохотларининг бош мак,садларидан бири эди.

Собикиттифокда-М.С. Горбачёв бошчилигида эълон к.илинган "к,айта куриш" сиёсати натижасида куплаб турлитуман ижтимоий гурухларнинг манфаатларини ифода этувчи жамоат бирлашмалари пайдо булди. Жумладан, 1989 йил 28 майда Узбекистонда хам "Бирлик" халк, харакати жамоат ташкилоти сифатида ташкил топди.

Бу харакат мамлакатда кдйта куриш даврида тузилган илк жамоат ташкилотларидан бири булганлиги сабабли хам куплаб хатоликлар ва камчиликлардан холи булмади. Харакат куп холатларда жамоат ташкилоти сифатида ташкил этилган ва давлат руйхатидан утган булса-да, у сиёсий партияга хос фаолият юрита бошлади. Харакатнинг дастури хам унинг аъзоларини сиёсий жараёнларда иштирок этишга кенгрок, жалб кдлишга каратилган эди. Харакат дастуридаги куйидаги жумлалар фикримизнинг далилидир:"... Узбекистон келажаги учун буюк тарихий масъулиятни уз буйнига олишга курби етадиган ташкилотларнинг шаклланишини тезлаштириш объектив заруриятдир. "Бирлик" харакати узи ёки

| шшк,а демократик кучлар билан бирга шундай масъулият-
iiii уз зиммасига олишга тайёр эканлигини баён килади"[1].

"Бирлик" харакати рахбариятининг назарий карашлари, пжтимоий-сиёсий фаолияти эски тузум багрила шакллан-
| аилиги, ишнинг тажрибаларини марказ ва Болтикбуйи рес-публикалари сиёсий хаётидан "нусха кучириш" билан чек-
1аганлиги учун х,ам хдракатнинг фаолияти ута сул ва ради-
K;UI булди. Харакат уз низомида эски большевистик "Бутун \окимият — Советларга!" шиорини тула амалга ошириш"ни максад к,илиб куйганлиги фикримизнинг далилидир[2].

Харакатнинг энг асосий хатоларидан бири, бу — улар юмонидан халкимизнинг, миллатнинг туб манфаатларини лнгламасликлари, эски тузум парчаланиши ок,ибатида пайдо булган турли ижтимоий кдтламлар ва гурухдар иродасипи узида ифодалай олмаганлиги, шунингдек, узбек халкиинг менталитета, миллий хусусиятларини чу кур урганмай туриб кенг куламда харакат кдлишга интилган уриниш эди. Шунинг учун хам "Бирлик" харакати хал к, ичида уз ижтимоий илдизига эга була олмади.

"Бирлик" харакати фаолларининг бир гурухи сиёсий партия тузиш учун харакат бошладилар. 1990 йил 30 апрелда "Эрк" демократик партиясининг таъсис курултойида унинг дастур ва низоми кабул килинди. "Эрк" партиясининг дасгури, асосан, иттифок, парчаланганидан кейинги сиёсий-ижтимоий мухитда инкилобий узгаришлар кил иш га каратилган булиб, унда эски жамиятда яшаган узбек халкининг рухияти, ижтимоий-сиёсий карашларининг аста-секинлик билан тадрижий равишда узгариб бориш жараёнлари хисобга олинмаган эди[3].

"Эрк" партияси жамиятдаги бирон-бир ижтимоий катлам партияси сифатида эмас, балки тор доирадаги гурухлар партияси сифатида фаолият олиб боришга уринганлиги учун \ам радикал ва ута кутблашган ташкилот булиб колаверди. К,олаверса, партия утмиш мероси, жамиятнинг ижтимоий

[1] Узбекистон «Бирлик» хал к, х,аракати. Дастур ва низом. — Т.: 1990. 5—6-бетлар.

[2] Уша жойда. 17-бет.

[3] Каранг: Киргизбоев М. Фукаролик жамияти: сиёсий партиялар, маданиятлар. — Т.: Шарк, 1998. 116—117-бетлар.

холати, утиш давридаги мураккаб сиёсий жараёнлар ва тупланиб к,олгаи ижтимоий-икдисодий муаммоларни чукур англаш учун етарли тажрибага эга булмаганлиги учун хам 1993 йил охиридан бошлаб расмий равишдаги уз фаолиятини тухгатди.

Утган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмига келиб хам МДХ мамлакатларида, хусусан Россияда коммунистлар ва бошкд "сул" кучларнинг парламент хамда давлат хокимиятининг бошкд тузилмаларида кучли сиёсий таъсир кучига эга булишининг сабаблари куп жихатлардан сул кучларга нисбатан ута кутблашган сиёсат юритилганлиги, крлаверса, жамиятнинг хали эски мафкура таъсирида булган миллионлаб фукдроларининг янги хукумат органлари ва демократлар томонидан кучли мафкуравий тазйикда учраганлиги окибати эди.

'Узбекистонда Миллий мустакдшшк арафасида жамият сиёсий сохасидаги узгаришлар мамлакатнинг конституциявий тизимида туб ис^тохотлар кдлишга зарурият сезмокда эди. Яши жамият ва давлат куриш ислохотларини амалга оширишнинг мухим кафолати — ижтимоий-сиёсий баркдрорликка эришиш, бу жараёнларда турли ижтимоий кдтламлар ва гурухпар хамжихатлигини таъминлаш учун демократик кддриятлар асосидаги х>'КУКИй асосларни шакллантириш масалалари мамлакат ижтимоий-сиёсий хаётининг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Собик иттифокдавридан мерос булиб крлган хукукий асослар мамлакатдаги янги интилишлар ва ислохотлар жараёнларини янада чук>'рлаштириш, келажак стратегик макраддарни белгилашга тусик, булаётган эди.

Умуман, миллий мустакиллики и и гдастлабки йилларида Узбекистон жамиятининг барча сохаларида чукур институционал узгаришлар амалга оширилди: эски яккапартиявий давлатга бархам берилиб, демократик тамойиллар асосидаги миллий давлат шаклланди; жамиятда куппартиявийлик тизими шаклланди; партия ва давлатдан холи булган нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди; узини узи бошкдриш органлари партиядан ва давлатдан ажратилди; коммунистик мафкура урнига мафкуралар плюрализмига урин берилди; миллий кддриятлар ва миллий маънавият мамлакат халкининг асосий дунёкарашига айланиши

\чуи барча хуку^ий асослар яратилди; барча крнунларни и мокрагик тамойиллар асосида кабул килиш тажрибаси шаклланди. Натижада мамлакатда фукаролик жамиятининг имклланиши учун сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маънавий шарт-шароитлар яратилди.

## 2.2. "Кучли давлатдаи — кучли фукаролик жамияти сари" концептуал тамойил ва унинг мо\ияти

Утган асрнинг 80-йиллар охири — 90-йиллар бошида тталитар тузумдан эндигина халос булган, уз мустакилшгини кулга киритган Узбекистонда янги жамият ва давттни бунёд этиш ислохотларининг жахон тажрибасининг кдндай йулидан бориши хали аник ва равшан эмас эди. 1скин, мамлакат ривожининг бош йули танланди. Мустаkилликнинг дастлабки кунларидаёк Президент И.А. Каримов куйидаги максадни илгари сурди: "Республикада собиткадамлик билан халкчил адолатли жамиятни бунёд пиш — бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий на давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иктисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак"'.

Халкимиз тарихи, дунёкараши, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналарини чукур англаган мамлакат Президенти И.А. Каримов Мустакил Узбекистон халкининг манфаатлари ва орзу-истакларидан келиб чикиб, фукаролик жамияти ва демократик принципларни узида мужассам этган сиёсий тизимни ташкил этишга кодир булган Конституция кабул килишга бошчилик килди.

Республикада фукаролик жамияти ва хукукий давлат куришнинг сиёсий ва х^'кукий кафолатлари киска муддатларда янги Конституция ва бошка конунларда уз ифодасини тогщи. Натижада фукаролик жамиятини шакллангириш учун хукукий асослар тугилди.

Узбекистонда фукаролик жамияти ва хукукий давлат барпо этиш ислохотлари энг мураккаб ва машаккатли си-

' И.А. Каримов. Узбекистоннинг уз истиЬуЮЛ ва тара^иёт йули // Узбекистон: миллий истицлол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: Узбекистон, 1996. 44—45-бетлар.

новларни кутмокда эди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос булиб колган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари хали сакданмовда эди. Шунингдек, халкнинг хам хали янги жамият куриш ва уни ташкил этишга дойр тажрибаси кам, рухияти ва сиёсий маданияти эеа фукаролик жамияти тугрисидаги тасаввурлардан анча узок эди. Ана шундай шароитда Президент И.А. Каримов томонидан Узбекистонда фукаролик жамияти, ХУКУКИЙ давлат ва бозор муносабатларига угиш даврининг назарий асослари ишлаб чикилди. Атбатта, улар мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халк дунёкараши, колаверса, мамлакат миллий манфаатларини узида ифода этар эди.

XX аернинг 80-йиллари охирига келиб, Узбекистон Хали уз Миллий Мустакиллигини эълон килмаган бир пайтда фукаролик жамиятини куриш билан боглик узгаришлар руй бера бошлаган эди. Республика рахбариятининг жамиятда куппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва хукуматдан мустакил булган жамоат бирлашмалари тузулмаларининг эркин фаолият курсатиши учун хукукий шарт-шароитлар яратишга булган интилиши кучайган эди.

Фукаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг асосий кафолати, яъни уларнинг хукукий асосларини яратиш максаддарида 1991 йилнинг 15 февралида Узбекистон Олий Кенгаши "Узбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тугрисида"ги конунни кабул килди. Мазкур конун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислох кдлишга, уларни собик яккахоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва хукумат тизимидан ажратишга ХУКУКИЙ шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижгимоий-сиёсий хаётида биринчи марта мазкур конунда жамоат бирлашмаларининг максадлари халкаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: "Жамоат бирлашмалари фукаролик, сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маданий, хукукий хамда эркинликларни руёбга чикариш ва химоя килиш, фукароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошкаришда

| фнинг иштирок этишини ривожлантириш..."[1] максадла-
Iщнатузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фукаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмаларининг мустакдшшги, уларнинг давлат ва хукуматдан алохдда фаолият юритувчи хукукий ' убьект эканлиги тан олинди. Бу хрлат фукаролик жамиятига ч)с белгилардан бири эди. Крнунда давлат идоралари ва ман- | лбдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига арала- 11ГШШ шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идора- 1ари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йул куйилмаслиги хукукий жихатдан мустахкамланди.

Бу даврдаги мухим вокеликлардан бири — Президент И.А. Каримов томонидан Узбекистонда утиш даври учун швлат курилиши, бозор икгисодиётини шакллантириш, умуман, жамиятнинг барча сохаларини ислох килиш жараёнларини бешта асосий коидалар асосида амалга ошириш кониепциясининг ишлаб чикилиши булди. Бу бешта асосий Коидаларнинг мохияти куйидагича ифодаланди:

*биринчидан,* иктисодий ислохотлар \еч качон сиёсат ортида колмаслиги керак, у бирор мафкурага буйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иктисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Х.ам ички, хам ташки иктисодий муносабатларни мафкурадан холи килиш зарур;

*иккинчидан,* давлат бош ислохотчи булиши лозим. У ислохотларнинг устувор йуналишларини белгилаб бериши, узгартиришлар сиёсатини ишлаб чикиши ва уни изчиллик билан утказиши, жахолатпарастлар (ретрограддар) ва консерваторлар каршилигини бартараф этиши шарт;

*учинчидан,* конун, конунларга риоя этиш устувор булиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йул билан Кабул килинган янги Конституция ва конунларни хрч истисносиз хамма хурмат килиши ва уларга огишмай риоя этиши лозим;

*туртинчидан,* ахолинингдемографиктаркибини хисобга олган холда кучли ижтимоий сиёсат утказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вактда ахолини ижтимоий

[1] Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тугрисида»ги Криуни // Узбекистон Республикасининг к,онунлари. 4-сон. — Т.: Адолат, 1993. 155-бет.

Химоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар курилиши лозим. Бу бозор икдисодиёти йулидаги энг долзарб вазифа булиб келди ва бундан кейин хам шундай булиб крлади;

*бешинчидан,* бозор икдисодиётига утиш объектив иктисодий крнунларнинг талабларини хисобга олган \олда, утмишдаги "инк,илобий сакрашлар"сиз, яъни эволюцион йул билан, пухта уйлаб, боскичма-боскич амалга оширилиши керак.

Бу цоидалар уз истикдол, ривожланиш ва таракдиёт йулимизга асос килиб олинган булиб, утиш даври дастурининг негизини ташкил этади"[1].

Шу билан бирга, Узбекистондаги фукаролик жамияти барпо этишга дойр исло\отларни ривожланган демократик мамлакатлар ва халкаро хдмжамиятлар тажрибасидаги демократик кдцриятлар асосида амалга оширишга мух,им ахдмият берилди. Чунки, демократик кадриятлар нафакат халкаро тажриба ва синовлардан угганлиги, балки узбек халкининг миллий манфаатларига мое келганлиги учун \ам ислохотлар жараёиларига татбик этила бошланди. Мамлакатда фукаролик жамияти учун му\им булган демократик кадриятларни Президент И.А. Каримов куйидагича ба\олаган эди: "Маълумки, демократик жамиятнинг халкаро микёсда эътироф этилган гамойиллари бор. Инсоннинг уз хо^иш-иродасини эркин билдириши хдмда уни амалга ошириши, озчиликнинг купчиликка буйсуниши, барча фукароларнинг тенг хукукдилиги, давлат ва жамият бошкарувида конун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида \исоб бериши, тайинлаш йули билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи гашкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошкалар шулар жумласига киради"[2].

Шу билан бирга, Президент И.А.Каримовнинг карашича, фукаролик жамияти назарияси ва амалиёти хдр бир мамлакат миллий кадриятлари, халкнинг миллий ментали-

[1] И.А. Каримов. Узбекистон — бозор муиосабатларига утишнинг узига хос йули. // Узбекистон: миллий истикдол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: Узбекистон, 1996. 300—301-бетлар.

[2] И.А. Каримов. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждаго.\ каби мукалдасдир. Т. 3. — Т.: Узбекистон, 1996. 8-бет.

гети ва миллий анъаналарини узида ифодалаи1и заРУр. Бу шунинг учун хдм зарурки, фукаролик жамияти бзРпо этИшда \ар бир халк уз миллий манфаатларини ифода этилиИшни \ам англаши лозим. Бу каби \олатга эга булиьИ учун миллийлик янги жамият мазмуни ва шаклу шамойили 6цлан уйгунлашиши лозим. Узбекистон эеа бошкд маМлака'»1арга нисбатан адолатли ва халк,чил жамият барпо этишга дойр миллий мерос ва кадриятларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, мамлакатда янги жамият куршП исло\отлари инкилобий йулни хдм кабул килмайди. Чунки, бу йул узининг вайронагарчилиги, миллионлаб а\олийНинг Ижтимоий а\воли пасайиб кетиши, жамиятни кугбла1иган тОмонларга булиниб кетиши каби салбий \олатларни КелтмРИб чиКаради. Шунинг учун \ам давлат томонидан фукаролик жамиятининг Узбекистон мамлакати учун узига хос КУЙ^даги жихдти илгари сурилди: "Шаркда демократик жараёнла£>нинг кадимдан шаклланган узига хос ва узига мое хУсУсияТлари бор. Буни асло назардан кочириб булмайди. Яг>ни, Шаркда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин т^раккий топали. Бу со\ада инкилобий узгаришлар ясашга уриниш!илар гоят нохуш, хдтто фожиали натижаларга олиб Желали. Инкилобни Fарб олимлари \ам "ижтимоий тараЧКиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли" деб атаганлар- ^аби^йки, бундай йул бизга асло туфи келмайди..."[1].

Шу билан бирга, Юртбошимизнинг Узбекистонда фукаролик жамиятини шакллантиришга дойр назарйи каращлари ривожланган мамлакатларда амалга оширилган демократик тамойиллар асосидаги тажрибаларга ^амохдН' тарзда ривожланди. У фукаролик жамиятининг асосий^ узини узи бошкариш органларини узига муносиб ваколатл^Р билан таъминлашда, деб билли.

Шунингдек, Президент И.А. Каримов УзбеКиетонда фукаролик жамиятининг яшашини таъминлайд^ган асосий шарт-шароитлардан бири, бу — даачат хокимияти ваколатларини чегаралаш, фукаролик жамияти институтларига жа-

[1] И.А.Каримов. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва ик>тИсодий истикболининг асосий гамойиллари. // Ватан саждагох каби мУКаддасдир. Т. 3. — Т.: Узбекистон, 1496. 9-бет.

миятда узини узи бошкариш учун канчалик зарур булса, шунчалик етарли ваколатлар бериш эканлиги масаласини илгари сурди. Президент фукаролик жамиятининг яшаш крбилияти фукдроларнинг сиёсий жараёнларда нечоглик, иштирок этишлари билан узвий ботик эканлигини кам чукур англаб етган эди.

Президент И.А. Каримов давлат ваколатларини жамият институтларига бериш асосида ^кукий давлат ва фукаролик жамияти куриш максадида куйидаги вазифани куйди: "Аммо хдкикий миллий равнакка бизфакат давлат х,окимияти вазифаларини кдтьий ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб куйилган фукаролик жамияти шароитидагина эришмогимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараккиёт страгегиясини аник белгилаш ва уни хдётга жорий этиш учун каттик назорат олиб боришдан иборат булади... Ана шундай давлат ва жамиятни куриш, хдкикий демократик кадриятларни вужудга келтириш — бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнакдмиз асосидир"

Мамлакат Президенти И.А. Каримовнинг Узбекистонда фукаролик жамияти барпо этищга дойр назарий карашлари унинг "Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тах,дид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари" асарида уз такомилига етганини кузатиш мумкин. Бу асарда фукаролик жамиятининг энг асосий институтлари Узбекистон мамлакати шарт-шароитлари, миллий менталитетини \исобга олган \олда талкин этилади. Шунингдек, бу асарда янги жамият куриш муаммолари "шахе — жамият — давлат" узаро уйгунлиги асосида та\лил этилади. Мухими, давлатнинг шахе ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, бу институтнинг доимо жамиятнинг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иктисодий жи\атлардан фароюн булиши х,амда баркарорлиги учун масъуллигини ошириб бориш зарурлиги асосланади.

Шунингдек, асарда фукаролик жамиятини инсон эркинлиги ва хукукдарининг энг асосий кимоячиси эканлигига

[1] И.А. Каримов. Узбекистоиниинг сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагох каби мукаддасдир. Т. 3. - Т.: Узбекистон, 1996. 12-бет

\ам мухим эътибор берилади. Асардаги куйидаги фй^к Р^л а^ (фукаролик жамиятининг янги кирраларини очиб берад ^ И з учун фукаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу конун устувор булиб, у инсоннинг уз-узини камол тоитц^ ришга монелик кдпмайди, аксинча, ёрдам беради. ШаХ^с Ц„ фаатлари, унинг хукук ва эркинликлари туда даражадя чик,ишига кумаклашади. Айни вакдда, бошка одамдзрнињ,г \укук ва эркинликлари камситилишига йул куйиД^маи Д^| Яъни, эркинлик ва конунга буйсуниш бир вактниН[1]" амал кдлади, бир-бирини тулдиради ва бир-биринй ^ТаК >°Cj0 лади. Бошкача айтганда, давлатнинг конунлари иН^сон фукдро хукукдарини камситмаслиги лозим. Шунинг бароб^ рида барча одамлар конунларга сузсиз риоя кддишларй шар^«.,

Шу билан бирга, Юртбоши фукаролик жамиятинИ^нг лат органлари, фукароларнинг мансабдор шахслар У^сти Анц назорат урнатишлари, уларнинг фукаролар олдидагй ^мас Ъу_ лиятини ошириш масалаларига мухим эътибор к^а Р^а1ДИ, ^Й- никса, фукароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигИ> нинг давлат органлари фаолиятидан хабардорлиги, 1ЛУ^н иц_г_ дек, фукароларнинг сиёсий жараёнлардаги кенг фукдролик жамиятининг энг мухим белгиларидан бир^и лиги каби коидалар илгари сурилди. Ачбатга, бу назар^^ Карашлардаги илмий талкинлар нафакат жамиятниН^г' ^^К и давлатнинг кучли ва самарали фаолияг курсата оли^ лиятини ошириш билан уйгунликда амалга оширИладик^, ундаги асосий гоялар инсон эркинлигини таъминЛ^аш М^J саддарида унинг узини фаол ва омилкор булишга ундай^^. "Хокимият тузилмаларининг демократик мазмуни ^Ку^П \атдан давлатни бошкаришда фукароларнинг иштИР^ок ши масаласи кзнчаликхал килинганлиги билан белгилац^ ши маълум. Узбекистонда ушбу хукукнинг амал килиши У^у_н крнун асослари яратилган. Бирок \али жамият ва фУКаро^р давлатни бошкаришда иштирок этиши, узлари канД^аи карилаётганлиги \ак,ида маълумот олиш хукукинИ ^аНг ^ай

[1] И.А. Каримов. Узбекистон XX аср бусагасида: хавфсизликка ^ дид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. // ^Хав Фсцз лик ва баркарор тараккиёт йулида. Т. 6. — Т.: Узбекистон. ,998- I5, бет.

бошлашига ва бу хукукдан фойдалана оладиган булишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фукдро олдидаги уз масъулиятларини х,ис киладилар. Бунинг учун фукароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур"[1].

Узбекистонда фукаролик жамиятининг шаклланиши фукароларнинг давлат ва жамият бошкарувида фаол иштирокини амалга ошириш билан узвий равишда богаик Холда кеча бошлади. Айникеа, янги жамият халктомонидан демократик кадриятларни уз сиёсий маданиятига сингдириб боришига камоханг тарзда ривожланиб боришини эътироф этгани \олда куйидаги фикрларни билдиради: "Жамиятда демократия кай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халд карорлар кабул Килиш жараёнларидан канчалик хабардорлигидир. Хукумат карорлари хаиктомонидан канчалик назорат килиниши, оддий фукаролар давлатни бошкаришда канчалик иштирок этишидир"[2].

Шунингдек, Юртбоши фукаролик жамиятининг ривожланишида ва унинг баркарорлигини таъминлашда мухолифатнинг урни масаласига хам катта эътибор беради. Маълумки, демократик мамлакатларда мухолифат уз жамиятлари ва давлагларининг бошкарув усулларини демократлаштиришда, шунингдек, инсон хукукдари ва эркинликларини кафолатлашда мух,им ахдмият касб этади.

Сиёсий мухолифат жамиятда плюралистик фикрлаш ва дунёкарашни шакллантиради. Турли хил сиёсий усуллар, ёндашувлар ва карашлар асосида келажакни яратиш учун интилиш жамият аъзоларининг тобора купрок манфаатлари ва сиёсий иродаларини камраб боради. Натижада, жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий баркарорлигини таъминлаш онгли равиища изга тушади. Шунингдек, мухолифатнинг булиши давлат ва хукуматни шакллантириш жараёнларида фукароларнинг устидан кимлар бошкаришини ганлаш хукукига

[1] И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусарасида: хавфсизликка та\дид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йулида. Т. 6. — Т.: Узбекистон, 1998. 151—152-бетлар.

[2] Уша жойда. 156—157-бетлар.

>га булишини таъминлайди, уларнинг сиёсий иродаси ва истак-хохиши тобора кенгрок ошкора намоён булиб боради. I арб мамлакатларидаги мухолифатнинг яратувчилик урни-1ли келиб чикиб, Президент И.А. Каримов куйидаги фикр-1арни билдиради: "Жамиятда баркарорликни сакдаш зарур-1иги хакида гаиирар эканмиз, сиёсий институт сифатида мухолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд булиши демократик жамият учун шарт булган ва нормал \олдир. Айни ма\алда шуниси хдм му\имки, у ташкилий жи\атдан расмийлашган, тегишли юридик мак,омга эга булиши, конституция ва конун нормаларини хурмат килиши, уз хдракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг кдтьий, баркарор хрлати учун масъул булиши, давлат курилишининг мукобил лойи\аларига эга булиши лозим"[1].

Умуман олганда, Президент И.А. Каримовтомонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан — кучли фук,аролик жамияти сари" тамойили miFop демократик кадриятлар билан адолатли жамият куришга дойр миллий кадриятлар ва анъаналарни уйгунлаштириш асосида ривожланиб борди.

Юргбоши Узбекистонда фукаролик жамияти куриш исло\отларини янада чукурлаштириш, унга мутаносиб равишда хукукий давлат куриш максадларидан келиб чикиб жамиятнинг сиёсий сохасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концеициясини ишлаб чикди ва унинг куйидаги йуналишларини белгилаб берди:

— мамлакат сиёсий хаётининг барча со^аларини, давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш;

— мамлакат сиёсий хдётида х,ак>ик,ий маънодаги куппартиявийлик му^итини карор топтириш;

— нодавлат нотижораттузилмалар, фукароларнинг узини узи бошкариш органларининг фаолиятини янада мустах,камлаш ва ривожлантириш;

— жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва карашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

[1] И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка та\дид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йулида. Т. 6. — Т.: Узбекистон, 1998. 153-бет.

— инсон хукукдари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни янада мустахкамлаш ва ривожлантириш.

Юртбоши иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг VIII сессиясида уз маърузасида фукаролик жамияти куришнинг янги боскичи ва тамойилларини илгари сурди: "Бизнинг олдимизда турган яна бир мухим ва долзарб вазифа у хдм булса, "Кучли давлатдан — кучли жамиятга утиш" деган шиорни амалда руёбга чикдришдир. Бу максадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юкрри бошкарув органлари ваколатларини боскичма-боскич куйи тизимга, шу жумладан, узини узи бошкариш тузилмаларига утказиш талаб килинади. Булар каторида биз, биринчи навбатда, узини \ар томонлама окдаган ма\алла тузилмасини кузда тутамиз. Иккинчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фукаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кумак ва ёрдам курсатиш даркор"[1].

Дархдкикат, "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" тамойилидан келиб чикиб иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг VIII сессиясида кабул килинган "Референдум якунлари хамда давлат хокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тугрисида"ги Конституциявий Конун келгусида кабул килиниши зарур булган узгаришлар жараёнини узида мужассам этадиган янги конунларнинг кабул килиниши учун принципиал коидаларни белгилаб бериши кузда тутилган эди.

Мамлакатда фукаролик жамиятига хос булган демократик сиёсий тизимнинг узига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари Президент И.А. Каримовнинг биринчи ва иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг сессияларидаги (1995 — 2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги (2005, 28 январь) маърузалари "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

' И.А. Каримов. Янгиланиш ва Узгаришлар жараёни ортга кайтмайди. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок, керак. Т. 10. — Т.: Узбекистан, 2002. 325-бет.

Президент И.А. Каримовнинг аеарларида адолатли демократик жамият куришнинг концептуал назарий асослари янада бойитилди. Президентнинг куйидаги фикри мамлакатда фукаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йуналишларини белгилаб берди: "Хдммамизга аёнки, бу йуналиш ижтимоий-икдисодий жараёнлар билан богаик куп масалаларни хал килишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни боскичма-боскич жамоат ташкилотларига угказа боришни такозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иктисодий сохдга, хужалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Хдётимизни эркинлаштириш йуналишларининг яна бир мухим йули — марказий ва юк,ори давлат бошкдрув идораларини вазифаларини давлат хокимиятининг куйи тузилмаларига, фукароларнинг узини узи бошкдриш органларига боскичма-боскич утказа боришни гаъминлашдир"[1].

Мамлакатда "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" тамойилидан келиб чикиб, фукаролик жамияти куриш максадларида давлат хокимиятининг аксарият ваколатларини махаллий хокимият органлари ва узини узи бошкариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат хокимияти тасарруфида эеа, асосан, факат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустакиллиги ва ХУДУдий яхлитлигини химоя килиш, хУКУК-тартибот ва мудофаа кобилиятини таъминлаш, инсон хукукдари ва эркинликларини, мулк эгаларининг хУКУКдарини, иктисодий фаолият эркинлигини химоя килиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташки сиёсат олиб бориш каби ваколатларни колдириш кузда тутилмокда.

Шунингдек, стратегик ахамиятга молик масалалар, мухим иктисодий ва хужалик масалалари, пул ва валюта муомаласи буйича кдрорлар кабул килиш, хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хукукий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва мухандислик ком-

[1] И.А. Каримов. Узбекистонда демократик узгаришларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари.//Биз танлаган йул — демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан \амкорлик йули. Т. II. — Т.: Узбекистон, 2003. 27—29-бетлар.

муникацияларини ривожлантириш, янги тармокдарни вужудга келтирадиган ишлаб чикаришни барпо этиш масалалари марказий давлат микёсида хал этилиши, давлатнинг бошка барча вазифалари эеа махаллий давлат хокимияти, фукдролар узини узи бошк,ариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун хукукий асослар ва сиёсий шарт-шароитлар яратишга дойр ислохотлар чукурлашиб бормокда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини назорат килиш ваколатлари хам асосан узини узи бошкдриш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига утказиш белгиланди.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Крнунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида мамлакат жамиятини демократлаштириш ва янгилаш концепциясининг, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислохэтиш буйича асосий вазифаларнинг дастурий концептуал йуналишлари белгилаб берилди. Мазкур маърузада мамлакатни модернизация килиш борасида узокни кузлайдиган "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари", деган тамойилга асосланган ислохотларни янада чукурлаштиришнинг барча йуналишларида аматга оширилиши лозим булган максад ва вазифалар аник ва равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат хокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш максаддарида "хокимият ваколатларининг маълум бир кисмини марказдан махаллий хокимият органларига утказишга кдратилган мавжуд конун ва ХУКУКИЙ хужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга кушимча тарзда янгиларини ишлаб чикиш"[1] вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, "узини узи бошкариш органлари — махалла, махалла кумиталари ва кишлок фукаролик йигинларининг роли хамда ваколатларини амалда кучайтириш"[2] мухим вазифалар сирасига киритилди.

' И.А.Каримов. Бизнинг бош максадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Узбек халци ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам булмайди. Т. 13. — Т.: Узбекистон, 2005. 181-бет.

[2] Уша жойда. 181-бет.

Юртбоши узининг мазкур кушма мажлисдаги маъруза-
• ида фукаролик жамияти институтларини янада ривожлан-
I ириш масалаларини илгари сурар экан, бу билан "ащли-
нинг турли ижтимоий ва социал гурухдари манфаатларини
и(|юдаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фукаролик жа-
миятининг асосий институтлари булган нохукумат ва жа-
моат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга
ка гта эътибор" беришга даъват этди. Шу билан бирга, "одам-
іар онгида демократик кадриятларни муста\камлашда, улар-
пинг сиёсий ва фукаролик фаоллигини оширишда, мамла-
катда руй бераётган демократик узгаришларнинг куламини
кенгайтириш ва чукурлаштиригцда бу гашкилотларнинг урни
ва а^амияти бекиёс"[1] эканлигини яна бир бор таъкидлаб
утди.

Юртбоши томонидан илгари сур ил гаи "Кучли давлатдан —
кучли фукаролик жамияти сари" концептуал дастурни амалга
ошириш янги боскичга кирди. Бу боскичда мамлакат Йулбош-
чисининг назарий карашларини хдётга татбик этиш даврига
утилди. Ривожланган мамлакатларда фукароларга эркинлик
багишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-
шароитларни яратган, жамиятнинг хдмма жабхдларини де-
мократлаштиришга кобил булган фукаролик жамиятини бар-
ио этиш йулидаги исло.\отларнинг янги боскичи бошланди.

Мамлакатда икки палатали парламент исло^отлари би-
лан узвий богликдикда нодавлат ташкилотларни ижтимоий
Катламлар, гуру>уіар манфаатлари хдмда иродаларини ифо-
даловчи ташкилотлар даражасига кутариш, жамиятдаги тур-
ли-туман ижтимоий катламларнинг манфаатларини муво-
фикдаштириш, жамиятни доимий баркарор булишига за-
мин яратиш, шунингдек, фукароларнинг жамият ва давлат
органларини бошкаришдаги иштирокини кенгайиши учун
кенг шарт-шароитлар ва ижтимоий-сиёсий кенгликлар яра-
тилди. Фукаролик жамияти институтлари фаолиятининг дав-
лат ва конунлар томонидан кафолатланиши ислох,отларни
янада чукурлаштириш учун имкониятлар яратди.

[1] И.А. Каримов. Бизиинг бош макрадимиз — жамиятни демократлаш-
тириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва исло\ этишдир // Узбек
халки \еч к,ачон, х,еч кимга к,арам булмайди. Т. 13. — Т.: Узбекистон,
2005. 181 —182-бетлар.

Шу билан бирга, Узбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислохотларининг бошланиши \ам давлат хокимияти тизими ва жамият институтларини хар томонлама модернизациялаштириш ва ислох этиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни янада кенгайтирди. Авваламбор, парламент ислохотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий катламлар ва гуруҳдарнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар — парламентнинг Крнунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турли-туман манфаатларни крнунлар ва сиёсий Карорларда ифодалана олиш имкониятлари яратилди. Албатта, бу узгаришлар фукаролик жамиятига хос булган кдд-риятлардан бири — фукаролар истаклари ва манфаатларини фукаролик институтлари воситасида давлат иродаси хамда давлат вазифаси даражасига кутариш амалиётига эришилди. Шунингдек, фукаролик жамиятига хос булган конунлар кабул килишнинг узига хос имкониятлари яратилди.

Президент И.А. Каримовнинг куйидаги сузлари халкнинг, бутун бир мамлакатнинг дастур аъмолига айланди: "Бизнинг бош стратегик максадимиз катъий ва узгармас булиб, бозор иктисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фукаролик жамиятининг мустахкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир"[1].

Шуниси диккатга сазоворки, Миллий мустакиллик йилларида Узбекистонда янги давлат ва жамият куриш масаласида ривожланган мамлакатларнинг илгор тарихий тажрибасини чукур урганиш натижасида фукаролик жамиятини барпо этишдаги "Узбек модели"нинг назарий асослари ишлаб чикилди. Унинг назарий карашлари "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" концептуал дастурда ва Узбекистонда фукаролик жамиятини шакллантириш амалиётида уз ифодасини топиб бормокда. Бу сохани ривожлантириш максадларида конунчиликни ислох этиш, фукаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга имконият яратадиган хукукий асослар яратишга мухим ахамият берила бошланди.

Франция Конституциясининг сиёсий партияларга дойр 4-модцаси куйидагича ифодаланади: "Сиёсий партиялар ва гурухдар фикрларни овоз бериш йули билан ифодалашга кумаклашади. Улар эркин равишда тузиладилар ва уз фаолиятларини эркин амалга оширадилар. Улар миллий суверенитет ва демократия принципларини хурмат килишлари лозим"[3].

Сиёсий партияларнинг мавжудлиги — демократик тизимлар ривожланишининг зарурий шарт-шароитларидан биридир. Демократия тамойиллари нуктаи назаридан ёндашганда эеа, сиёсий партиялар давлат органлари тизимига

' Конституция Королевства Испании // Конституции зарубежных государств. 2-е изд., исправ. и доп. — М.: Изд. БЕК, 1997. 298-бет.

[2] Основной закон Федеративной Республики Германии. — Бонн, 1998. 24-бет.

[3] Конституция Французской Республики // Конституции зарубежных государств. 2-е изд., исправ. и доп. — М.: Изд. БЕК, 1997. 106-бет.

кирмайди ва бевосита давлат ишларида иштирок этмайди. Аммо сиёсий партиялар бир вактнинг узида хам давлат сокасига, хам фукаролик жамиятига тааллукди институт эканлиги билан ажралиб туради.

Партияларнинг сиёсий тизимдаги урнининг кучайиб бориши билан уларнинг КУКУКИЙ макрмлари даражаси хар бир мамлакатда турлича шаклларда намоён булмокда. Партияларга дойр коидалар хар бир мамлакат ХУКУКИЙ манбаларида турлича шаклларда талкин килинади: конституция ва конунлар, конституциявий меъёрлар; кукумат декретлари ва карорлари; парламент палаталари карорлари; конституциявий назорат хУКУКини амалга ошираётган мамлакатларда эеа суд карорлари ва бошкалар.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарият партиялари узларида социал-демократик, либерал ва консерватив унсурларнинг узига хос синтези сифатида намоён була бошлади. Тадкикотчиларнинг таъкидлашича, козирги давр ГФР сиёсий каётида (шунингдек, бошка Fар6 мамлакатларининг купчилигида кам) ижтимоий-сиёсий кучлар уртасидаги аник ва кузга ташланарли фаркдарни кузатиш тобора кийинлашиб бормокда[1].

Баъзи бир давлатлар конституцияларига сиёсий партиялар тугрисида махсус коидалар ёки моддалар киритилмаган булса-да, уларга дойр меъёрлар уюшмалар ёки жамоат ташкилотлари тугрисидаги конунларда уз ифодасини топди. Бундай колатларда сиёсий партиялар жамоат ташкилотларига хос булган меъёрлар талаблари доирасида фаолият курсатиши русумга кирди.

Шунингдек, купчилик давлатларда эеа сиёсий партияларга дойр алокида конунлар кам кабул килинган. Бундай конунлар куйидаги мамлакатлар учун хосдир: ГФР (1967 й.); Португалия (1975 й.); Австрия (1975 й.); Испания (1978 й.) ва 1981 йилда кайтадан тулдирилган); Узбекистон (1996 йил). Куйидаги мамлакатларда эеа сиёсий партияларни молиялаштиришга дойр махсус конунлар кабул килинган: Швеция (1956 й.); Финляндия (1969 й.); АКДИ (1974 й.);

[1] К,аранг: Димание М.Д. Политические партии ФРГ. // Партии и партийные системы современной Европы: Проблемно-тематич. Сб. — М.: ИНИОН РАН, 1994. 52-62-бетлар.

ГФР (1983 й.); Узбекистон (2004 й.). Баъзи бир мамлакатларда эеа сиёсий партияларга дойр кукукий коидалар сайиовлар туфисидаги конунларда ифодаланган [1].

Кейинги ун йилликларда Шимолий Америка ва Барбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий каётида катта узгаришлар кузатилди. Сайловчиларнинг у ёки бу партияга овоз бериши билан уларнинг маълум ижтимоий гурухга мансублиги уртасидаги алокадорлик аста-секинлик билан бузилиб бормокда. Социал-демократик партиялар сафида ишчилар сонининг тобора камайиши, ахрлининг йуксил ва кам даромадли катламлари либерал ва консерватив йуналишдаги, урта катлам вакиллари эеа социал-демократик ва бошка сул партияларга овоз бериши одатдаги холга айланди. Бу каби тамойиллар АКДГда \ам яккол кузга ташланди. Консерватив партиялар тарафдорларининг аксарият кисми касаба уюшмалари вакиллари ва "кук ёкалилар" вакилларидан иборатдир.

Хорижий тажрибалардан куриниб турибдики, сиёсий партиялар асосан жамият аъзоларининг сиёсий иродаларини шакллантириш ва уларни сиёсий жараёнларда ифодалаш эхтиёжлари асосида фаолият юритадиган жамият институтидир.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ХУКУКИЙ макоми куйидагича белгиланган: "Сиёсий партиялар турли табака ва гурукларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва узларининг демократик йул билан сайлаб куйилган вакиллари оркали давлат кокимиятини тузигцда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар уз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари какида Олий Мажлисга ёки у вакил килган органга белгиланган тартибда ошкора кисоботлар бериб турадилар"[2].

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чикиб, Узбекистонда кам сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ХУКУКИЙ макоми шаклланди. Узбекистон Рес-

[1] Каранг: Современное буржуазное государственное право: Критические очерки. В 2 т. Отв. ред. В.А. Туманов. Т.2. — М.: Наука, 1987. 156— 170-бетлар.

[2] Узбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Узбекистан, 2003. 12-бет.

публикаси Конституциясининг 56-модцасига биноан сиёсий партиялар "жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади"[1]. Мазкур Конституциянинг 58-моддасида эеа "давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йул куйилмайди"[2], дейилади. Бу билан, биринчидан, сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари каби жамиятнинг институти эканлиги эътироф этилади; иккинчидан, сиёсий партияларнинг давлат хокимияти органлари фаолиятига аралашишга йул куйилмаслиги конституциявий меъёрлар билан такикданиб, унинг давлат хокимиятига дахлдор эмаслиги таъкидланади.

Мазкур ХУКУКИЙ асослардан шундай хулоса чикадики, сиёсий партияларнинг "сиёсийлиги" уларнинг сайловлардаги иштироки ва давлат хокимиятига номзодлар курсатиши билан чекланади. Сиёсий партиялар давлат хокимияти бошкарувида иштирок этмайдилар. Сайловларда галаба козонган партияларнинг вакиллари эеа давлат хокимияти органларидаги бошкарувда иштирок этадилар. Лекин, бу каби бошкарувдаги иштирок сиёсий партия аъзоси сифатида эмас, балки, бирон-бир мансабни эгаллаган шахе сифатида амалга оширилади.

XX аернинг 50—70-йилларига келиб сиёсатшунос олимлар демократик принциплар асосида фаолият юритадиган сиёсий партияларнинг асосий функциялари куйидагилардан иборат эканлигини аникдадилар:

— алохида олинган фукаролар, ижтимоий табакалар ва гурухлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кутариш, шунингдек, бу уйгунлашган манфаатларни уларнинг хаммаси учун бир хилда ахамият касб этишини таъминлашдир. Партияларнинг яна бир энг мухим максади, бу — узи таянувчи ижтимоий табаКалар манфаатларини сиёсий тизимда ифода этищдир;

— хар бир фукаро узининг устидан ким бошкариши ёки идора этишига бефарк эмас. Шунинг учун хам демократиянинг мухим мезонларидан бири фукароларга узлари устидан

[1] Уша жойда. 16-бет.
[2] Уша жойда. 16-бет.

I и vi бошкдришини танлай олиш имкониятини беришдир. Бу каби танлаш сиёсий партия воситасида амалга оширилади;

— давлатни бош каришга дойр сиёсий карорларнинг халкчил ва демократик кадриятлар асосида кабул килиниши мммлакатдаги фукаролик жамиятининг нечоглик ривожлан- | шлик даражасининг узига хос мезонидир. Сиёсий карорнарни кабул килишгача булган даврда уларнинг лойи\аларини партияларнинг куйи органлари томонидан фукаролар иродалари ва истакларини инобатга олган холда, шунинг- 1ск, оддий фукароларнинг манфаатлари ва эктиёжлари асосида шакллантириш имкониятлари мавжуддир. Шунинг учун \ам партиялар бажарилиши шарт булган сиёсий карорлариинг демократик легитимлаштириш, жамият томонидан тан олинишини таъминлаш воситасидир;

— партиялар турли даражадаги сайловлар воситасида ужимиятни шакллантириш, бошкарув кадрлар тизимини 1сги гимлаштириш, шунингдек, унинг фукаролар томонидан эътироф этилишини таъминлаш омилидир;

— партиялар узларининг куйи ташкилотларидаги куп киррали фаолиятларида уз партия дастурларини таргиб этиш, махаллий бошкарув органлари фаолиятини баколашлари, паргиявий йигинлари хулосалари, оммавий ахборот восигаларидаги фаол иштироклари асосида жамоатчилик фикрини шакллантириш кобилиятига эга булган демократик институтдир;

— партиялар жамиятнинг сиёсий кенгликларида фукаролар сиёсий онгининг шаклланиши ва сиёсий маданиятининг юксалиши учун ижтимоий, сиёсий, рукий мукит, фукаролар сиёсий иштироки учун сиёсий кенгликлар ташкил килувчи ташкилотдир;

— партиялар фукароларнинг сиёсий манфаатларини илгаб, уларнинг узаро ухшаш манфаатларини бирлаштириб, уларнинг кар бир оила ва макалла кудудида "сочилиб" ётган габиий сиёсий интилишларини партиявий дастурларга жамлаб, уз аъзолари ва хайрихохдарини сиёсий жараёнларга сафарбар эгувчи, шунингдек, фукароларни бу жараёнда фаол ишгирок этишга янада кенгрок ундаш учун уларни рагбатлантириш, улар интилишларининг доимийлигини таъминлаш воситасидир;

— партия демократик сайловларда сайланган уз ваюн лари, турли мансабларни эгаллаган партиядошлари, шунт и дек партиявий фракциялари ва гурухдари воситасида \ і мукрбил дастурларини амалга ошириш, халкоммасини эы и рофига эришиш максаддарида парламент ва хукуматга таг сир курсата олиш кобилиятига эга институтдир;

— партия уз сиёсий максадларини "давлат иродаси" би лан уйгунлаштира олувчи сиёсий кучдир;

— партия фукаролар билан давлат органлари уртасида! и алокалар ва муносабатларнинг мувофикдаштиришни дои мий равишда таъминлаб турувчи бугиндир.

Сиёсий партиялар ижтимоий катламларнинг у ёки бу сиёсий манфаатларини ифода этибгина колмасдан, балки, бу манфаатларни шакллантиришда хам бевосита фаол иш тирок этади. Чунки, партия узининг ижтимоий базаси булган табакднинг сиёсий карашларини шакллантиришга дойр Маі, рифий тадбирлар утказиш билан шугулланмаса, у холда фукаролардаги сиёсий карашлар ва сиёсий манфаатлар уз Холима барк урмайди, жуда булмаганда, бу манфаатлар гуру хий манфаатлар даражасига кутарила олмайди.

Фукаролик жамияти шароитларида сиёсий партиялар минтакавий ва махаллий тизимлар хамда жамоавий бирликлар билан мустахкам алокада булиб, улар умуммиллий максадлар рухини дастлаб шу худудлардаги фукаролардан оладилар. Крлаверса, партияларнинг бир-бири билан ракобатдошлиги туфайли хам умуммиллий сиёсий тизимлар барча гурухлар ва мансабдорлардан (улар канчалик катга мансабларни эгалламасин) юкори куйилади. Шу тарика сиёсий тизим билан уз ваколатларини кучайтиришга интилувчи алохида олинган мансабдорлар уртасига аник чегара куйилади.

Сиёсий партияларнинг бир неча асрлардан буён яшаб ва тобора такомиллашиб келаётганлигининг энг асосий сабаби, бу уларнинг бошкарувчи сиёсий элитани шакллантиришдаги урнининг бекиёс эканлигидир. Сиёсий партияларнинг уз функцияларини тула бажара олиш, уларни демократик принциплар асосида фаолият курсатишининг кафолати, бу — уларнинг давлат органларидан мустакиллигидир. Партия узининг бошкарув кадрларини шакллан-

жришда, депутатликка номзоддар курсатишда, низом ва пистурга оид кужжатларини ишлаб чикишда мутлак муста- | ,ил булиши лозим.

Мухолифатдаги партиянинг энг асосий функцияси эеа |урли фитналарни рад этиш, турли куч ишлатишга асос- 1анган нодемократик хдракатларнинг руй бермаслигини таъминлашдир. Мухолифий партияларнинг сиёсий кураш во- • и гаси \ам факат электорат оркалигина амалга оширилиши юзим. Умуман, кар бир партиянинг уз дастури ва максад- 1арига мое равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари булиб, улар партия фаолияти ва ички \аётининг ажралмас булакларидир.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 34-модчасида жамиятдаги мухолифий ХУКУКНИ кимоя килиш максаддарида куйидаги коида мустахкамланган: "Сиёсий партиядарда, жамоат бирлашмаларида, оммавий каракатларда, шунингдек, кокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг **кУКУКДари,** эркинликлари ва кадр-кимматини кеч ким камситиши мумкин эмас"[1].

Партиявий ракобатдошликнинг яна бир ижобий жикати шундаки, кокимиятни эгаллаган сиёсий партия мухолифатга кокимиятни бериб куйишдан, шунингдек, сайловчиларнинг узларига булган ижобий муносабатини узгаришидан "кадиксираб", бошкарувни халкчил ва демократик тамойиллар асосида амалга оширишга интилади. Колаверса, жамият мухолифий партияларнинг турли-туман мукобил ривожланиш дастурлари ва улар уртасидаги бакс-мунозаралар асосида тез ривожланиш имконига эга булади.

Партияларнинг ижтимоий-сиёсий каётда фаолият курсатишларининг кафолати, бу — уларнинг молиявий асосларга эга булишидир. Хозирги даврда Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Хиндистон каби демократик мамлакатларда сиёсий партияларнинг турли йуналишлардаги фаолиятининг кенгайиши ва бу сокада уларнинг сарф-харажатларини йилдан-йилга купайиб бориши натижасида уларнинг серкирра фаолиятини давлат

[1] Узбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Узбекистон, 2003. 9-бет.

маблаклари билан таъминлаш муаммолари келиб чикмокда Тарихий ривожланиш тажрибаларидан маълумки, партиялар моддий маблагларсиз уз максадларини тулик бажара олмаганлар. Шундан келиб чикиб, аксарият мамлакатларда хозиргидавр конунчилиги партияларнинг молиявий майбаларини мувофикдаштиришга мухим ахамият бера бошлади.

XX аернинг 90-йилларига келиб партияларнинг давлаі томонидан молиялаштириш тамойили умумдунёвийлик характерини касб эта бошлади. 112 мамлакат миллий парламентлари вакиллари иштирок этган Халкдро Парламентлараро Кенгаш (Париж, 1994 йил 26 март) узининг 154-сессиясида Кабул килган "Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тугрисидаги Декларация"сининг 4-моддаси куйидагича ифодаланади: "Сиёсий партияларнинг шаклланиши ва эркин фаолияти таъминлансин, имкониятлардан келиб чикиб сиёсий партияларни ва сайлов кампанияларини молиялаштириш мувофикдаштирилсин, партияларнинг давлатдан алохидалиги таъминлансин, шунингдек, хокимиятнинг конун чикарувчи органларига сайловлар жараёнларидаги курашларда хаммага тенг шарт-шароитлар яратилсин"

Сиёсий партиялар у ёки бу ижтимоий катламларнинг манфаатлари ва муаммоларини узида ифода этади, уларни жамиятдаги сиёсий муносабатларда химоя этади. Сиёсий партия маълум бир ижтимоий катламларнинг сиёсий манфаатларининг ифодачиси сифатида хокимият учун курашади, хокимиятни эгаллаган такдирда эеа узи мансуб булган ижтимоий катлам муаммолари, шунингдек, сайловларда узига хайрихохдик килган сайловчилар хохиш-иродаларини амалга оширишга интилади.

Хулоса килиб айтганда, демократик принциплар асосида фаолият юритувчи сиёсий партиялар фукаролик жамияти билан хукукий давлатни узаро мустахкам богловчи, шунингдек, давлат сиёсатини жамият аъзолари манфаатларига асосланган манбалардан озикданишини таъминлаб турувчи энг асосий демократик институтлардан биридир.

[1] Каранг: Избирательные системы и наблюдение за выборами. Краткий обзор. Фонд Фридриха Науманна. Московск. бюро. — М, 1995. 37—38-бетлар.

Узбекистонда Миллий мустакиллик эълон кдлингач, чустакил давлат тизилмаларкнинг шаклланиши, Узбекисн)пда собик, шуро мафкурасига хизмат килувчи якках,оким коммунистик партия ташкилотларини бутунлай тугатилиШИ натижасида фукаролик жамиятининг институтларини шлкллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Маммкатда халк манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин нилдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ХУКУКИЙ асослар на эркин сиёсий мукит яратилишига камоканг тарзда сиёсий партиялар \ам тузила бошланди.

Х,озирги даврда жахондаги демократиянинг асосий меюнларидан бири — сайловларнинг куппартиявийлик асосила утказилишидир. 1991 йилнинг ноябридаёк "Узбекистон 1'еспубликаси Президента сайлови тугрисида"ги Крнунда сайловнинг куппартиявийлик асосида утказилиши хукукий жихатлардан эътироф этилди. Мазкур Крнунда сиёсий партиялар мамлакат Президентлигига номзодлар курсатиш хукукига эга эканлиги аник ва равшан ифодаланди.

1991 йил 14 февралда кабул килинган "Узбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тугрисида'ги Крнун мамлакатда куппартиявийлик тизими шаклланишининг Хукукий жикатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари бошланди. Миллий мустакиллик даврида ташкил топган сиёсий партиялардан бири, бу — Узбекистон Халк демократик партиясидир. Партияга 1991 йилнинг 1 ноябрида булиб утган таъсис курултойида асос солинди.

Узбекистон ХДП сиёсий хаётда иштирок этиш, халк билан кокимият тизими уртасида воситачилик килиш, паргиявий сиёсий фаолият юритишнинг янгича услубларини шакллантиришга дойр куйидаги максадларни илгари сурди: "Узбекистон Халк. демократик партияси шунга аминки, бундан буён кеч кандай сиёсий партия бевосита кокимият ваколатларини уз зиммасига олмаслиги керак. Биз кар кандай ижтимоий-сиёсий кучнинг какикат ва адолатни уз монополиясига айлантиришига, мухолифликка ва сиёсий келишмовчиликларни кал этиш усули сифатида "душман образи"ни шакллантиришига каршимиз. Партия конунга мувофик равишда уз номзодларини кокимият органларига сайловларда курса-

тади ва уларнинг куллаб-кувватланиши ва сайланишипи iai. минлайди"[1].

Узбекистон ХДП таркибида зиёлилар, тадбиркорллр ёшлар сони йил сайин купайиб борди. Унинг таркибида имгш ва дехкрнлар салмогининг 52,6 (1992 йил 1 январга) фон i дан 39,3 фоизгача (2005 йил 1 январга) пасайиши эеа napi ич аъзолари орасида хизматчилар салмогининг муттасил oumi i бориши (41,1 фоиздан 46,5 фоизгача) билан изохланди Мамлакатда акдий мехнат билан шугулланувчи ижтимоий кдтлам ва гурухлар манфаатларини ифода этувчи кдтор сис сий партияларнинг тузилишига кдрамасдан, ХДП сафип зиёлилар кириши ортиб борди[2].

Узбекистон ХДП фаолиятининг дастлабки беш йили ичи да 218 та К,орак,алпогистон Республикаси, вилоят, шахар ва туман кенгашлари, 13665 та бошлангич, жумладан, 3952 та худудий ташкилотлари ташкил этилди. 2006 йилга келиб партия аъзоларининг сони деярли 420 мингтани ташкил этди[1].

Узбекистон ХДПнинг "Узбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталари ва "Мулокрт" журнали к,искд давр ичида мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари уртасида кат та таъсир ва мавкега эга булган марказий матбуот нашри сифатида фаолият курсата бошладилар[4].

Узбекистон "Ватан тараккиёти" партияси (ВТП) 1992 йилнинг 24 майида ташкил топди. ВТПнинг дастурида белгиланганидек, партия жамиятнинг сиёсий тизимидаги фаолиятини парламент партияси сифатида ташкил этади. Партия уз сиёсатини давлат хокимияти ва бошкарув органларига сайланган вакиллари оркдли утказади. Бунинг учун барча даражадаги ваколатли хокимият органлари сайловига уз номзодларини тавсия этади ва уларни сайловчилар томонидан куллаб-кувватланиши учун курашади.

[1] Узбекистон Халк, демократик партияси дастури. — Т.: 1995. 14-бет.

[2] Карбонов С. Узбекистон Халк демократик партияси. — Т.: Университет, 2001. 80-бет.

[1] Узбекистон ХДП марказий кенгаши жорий архиви. Партия ташкилий-оммавий ишлари \акнда маълумотнома. 2006 й. 21 нояб. 2-бет.

[4] Жалолов А. Узбекистон Халк демократик партияси. Узбекистон Республикаси. // Энциклопедия. Тахрир \айъати: М.Аминов (масъул му\аррир) ва бошк. — Т.: К,омуслар Бош та>фирияти, 1997. 218-бет.

Mill таркибида 2000 йилда Кррракдлпогистон Респуб- мп .ии, Тошкент ша\ар, 12 вилоят, 220 дан зиёд ша\ар ва I\ Mut кенгашлари фаолият курсатдилар. Партия аъзолари- iiMiii сони кдрийб 35 мингга етди. Партиянинг марказий ч uhyoi нашри — "Ватан" ижтимоий-сиёсий хдфталик газе- 1 и'н 2000 йил апрелга кдцар фаолият курсатди.

Мамлакатда Узбекистон Халк, демократик ва "Ватан тарак- кигIи" нартияларининг ташкил топиши билан бир партиявий- iiti гизимига бутунлай бардам берилди. Шунингдек, жами- || шги ижтимоий катламларнинг конун чикарувчи хрки- мнятдаги манфаатларини ифода этадиган сиёсий окимлар in шшкилотлар шаклланди. Узбекистон Конституциясидаги /нмократик тамойиллар, шунингдек, амалга оширилган \укук,ий ва сиёсий исло\отлар мамлакатда янги партиялар- нинг тузилишига кенг имкониятлар яратиб берди.

Узбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (СДП) 1995 йил 18 февралда ташкил топди. Партия узининг дасту- рий максадлари ва вазифаларини куйидагича белгилади:

— Узбекистонда хукукий демократик давлат барпо этиш (юрасида Ватанга садокатли хизмат киладиган кишиларни (арбиялаш;

— миллатлараро муносабатларни яхшилаш, дустлик ва \амжихатликни ривожлантириш, \ар кандай миллатчилик гоясига карши кураш олиб бориш, тинчлик ва баркарор- ликни, миллий х;амжи\атликни таргиб килиш;

— иктисодий стратегияни ишлаб чикиш \амда унинг амалга оширилиши учун курашиш;

— республика фукароларининг турмуш даражасини кута- риш, ижтимоий жи\атдан му^тож а\олининг мух,офазаси- ни таъминлаш борасида таклифлар ишлаб чикиш ва уни амалга ошириш;

— Узбекистоннинг жах,он микёсида уз урнини эгалла- ши, дунёдаги илгор давлатлар билан халкаро хукук талаб- лари асосида узаро манфаатли алокаларини ривожлантириш учун фаолият курсатиш, миллий манфаатларга мое келади- ган ташки сиёсатни куллаб-кувватлаш [1].

[1] Узбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг низоми. — Т.: 1995. 1—2-бетлар.

Узбекистон "Адолат" СДПнинг Крракдлпогистон Республикаси, Тошкент шакар, вилоятларда, шунингдек, 174 та шакар ва туманларда партия кенгашлари тузилди. Партиянинг 1020 бошлангич ташкилоти булиб, улар 30 мингдан ортикрок аъзоларни уз сафларида бирлаштирди. Партиянинг марказий матбуог нашри — "Адолат" ижтимоий-сиёсий хдфталик газетасидир

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси (МТДП) 1995 йил 3 июнда ташкил топди. Партиянинг таъсис курултойида кабул килинган дасгурда партиянинг максадлари куйидагича белгиланди:

Партия олий максад — "Миллий тикланиш гоясини амалга ошириш йулида уз каракатининг асосий йуналишлари деб куйидагиларни белгилайди: 1) Миллагнинг маънавий бирлиги; 2) Ватан (Туркистон) — ягона оила; 3) Кучли демократик давлат; 4) Миллий кадриятлар; 5) Илмий-техникавий тараккиёт ва умумжаконий интеграция; 6) Замон кишиси; 7) Миллий истикбол. Партия мана шу йуналишлар миллий тикланишимизнинг мазмун-мокиятини ташкил этади, деб кисоблайди"[2].

Партия таркибидаги 103 та вилоят, шакар ва туман партия ташкилотлари 30 мингга якин партия аъзоларини уз сафида бирлаштирди. Партиянинг матбуот нашри — "Миллий тикланиш" кафталик газетаси таъсис этилди.

"Фидокорлар" Миллий демократик партияси (ФМДП) 1998 йил 28 декабрдаги таъсис курултойида ташкил тогшб, 1999 йилнинг 3 январида Аддия вазирлиги руйхатидан утди. Партия аъзоларининг сони бир йил ичида 31 мингга етди.

Партиянинг асосий максади — бозор иктисодиётига асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари амал киладиган жамиятга утишдир. Партия Узбекистонда хукукий давлат ва фукаролик жамияти куришнинг асосий кафолатлари адолат, эркинлик ва камкорлик кадриятларига амал килишдир, деб билади. Партиянинг ижтимоий идеали — бу инсоннинг уз-

' «Адолат» социал-демократик партиясининг жорий архиви. Партиянинг ташкилий ишларга дойр фаолияти \акида маълумотнома, 2004 й. 1—2-бетлар.

[2] Узбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг низоми ва дасгури. — Т.: 1995. 2-бет.

узини камол топтириш, шахе манфаатлари унинг хукук ва эркинликларини туда даражада руёбга чикариш учун сиёсий, иктисодий, ижтимоий, хукук,ий шарт-шароитларни кафолатловчи фукаролик жамиятини барпо этишдир[1].

Партиянинг вужудга келиши ва фаолият курсатишидан максад мамлакатда янги шаклланаётган кичик ва урта мулкдорлар ижтимоий табакдеининг сиёсий манфаатларини ифода этишдир. Шунингдек, партия уз фаолиятида купрок ёшларга таяниб иш олиб боришини таъкидлайди. Шу пайтга кадар республиканинг барча туман ва шакарларида куйи партия ташкилотлари тузиб булинди.

Узбекистондаги куппартиявийлик тизимидаги мухим янгиликлардан бири — сиёсий партияларнинг давр талаби, ижтимоий-сиёсий вазият шароитларидан келиб чикиб, бир-бирлари билан бирлашишлари каби сиёсий вокеликлар кам руй бера бошлади. 2000 йил апрель ойида "Фидокорлар" Миллий демократик партияси ва "Ватан тараккиёти" партияси вакилларидан иборат кушма курултойи карори билан иккала партия бирлашиб, партиянинг номини "Фидокорлар" Миллий Демократик партияси, деб аталди. Албатга, бу бирлашувда кар иккала партиянинг дастурий максадларидаги муштараклик, \ар иккала партияларнинг хам таянадиган ижтимоий табакалари тадбиркорлар ва ишбилармонлар эканлиги муким урин тутди. Шу билан бирга, кушма партиявий анжуман ФМДП шаклланишида мухим ижобий жи\атларни курса™ш билан бирга, партия фаолиятида шошма-шошарлик, пала-партишлик каби холатлар кузатилганлигини таъкиддаб утди.

Крракалпогистон Республикаси, Тошкент шахри, барча вилоятлар, шунингдек, 203 та шахарлар ва туманларда партиянинг махаллий органлари тузилди. Иккита партия кушилганидан кейин ФМДПнинг биринчи чакирик Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари 50 тага етди. Партия аъзоларининг сони 60 мингга етди. Партиянинг марказий органи сифатида "Фидокор" газетаси таъсис этилди[2].

[1] Узбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси дастури. — Фидокор, 1999, 11 фев.

[2] Каранг: Узбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг сайловолди харакат дастури. — Т.: F.FynoM нашр., 2004. 19—20-бетлар.

Узбекистонда киска давр ичида сиёсий партияларнинг сиёсий тизим субъектлари сифатида фаолият курсатишлари, уларнинг сиёсий тизимга таъсир эта олиш кобилиятларининг шаклланиши натижасида демократик тамойиллардаги куппартиявийлик тизими шаклланди. Сиёсий партиялар жамиятнинг институти сифатида кар бир партия узи таянган ижтимоий Катламлар ва гурухдар манфаатларини бирлаштириш ва ифодалаш, шунингдек фукаролар сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг ижгимоий-сиёсий фаолликларини юксалтириш со^асида катта ишларни амалга ошира бошладилар.

Мамлакатда парламент исло\отларининг бошланиши, икки палатали парламентни шакллантириш учун кукукий асосларнинг ишлаб чикилиши муносабати билан сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва давлат курилишидаги урни янада юксалди. 2004 йил декабрдаги парламент ва махаллий вакиллик органларига булган сайловларда парламентнинг куйи палатаси — Крнунчилик палатаси депутатлигига номзодлар курсатиш кУКУКининг сиёсий партияларга берилиши, макаллий вакиллик органларидан парламент депутатлигига номзод к>фсагиш кУКУКИнинг бекор килиниши муносабати билан партияларнинг конун чикарувчи кокимиятни шакллантириш сокасидаги янги даври бошланди.

Сиёсий партияларга янги ваколатларнинг берилиши билан уз-узидан уларнинг жамият олдидаги масъуллиги кучайди. Умуман, сиёсий партиялар ваколатларининг кенгайтирилиши жамият сиёсий сокасини эркинлаштиришнинг янги боскичини бошлаб берди. "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" сиёсий концептуал дастурнинг асл максади кам асосан ана шу йуналишга каратилди.

2003 йил 15 ноябрда Узбекистон сиёсий тизимида яна бир сиёсий партия — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар каракати — Узбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топди. Партияни тузиш ташаббускорлари асосан мамлакатдаги урта катлам — тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг илгор вакиллари булиб, партия урта ижтимоий катлам сиёсий манфаатлари ва иродаларини ифода этишни уз олдига максад килиб куйди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар каракати — Узбекистон Либерал-демократик партияси (УзЛиДеП)ни ташкил

**>iitiii мамлакатда фукаролик жамияти ва ХУКУКИЙ давлат | ри in исло\отлар и и и и г чукурлашиб бориш жараёнлари тарихий зарурият сифатида кун тартибига куйилди.**

Утган аср охирига келиб, мамлакатда 260 мингдан купрок, урта ва кичик тадбиркорлар, 85 мингдан ортикрок, фермерлар бизнес фаолиятини юритмокда эди. Урта на кичик мулкдорларнинг урта ижтимоий катлам сифашда шаклланиш зарурияти ва эхдиёжлари уларнинг сиёсий куч сифатида бирлашишларини, иктисодий жихатлардан ривожланиш учун уз сиёсий манфаатларини ифода эта оладиган сиёсий ташкилотга эга булишларини так,озо этмокда эди.

УзЛиДеП урта ижтимоий катлам гоялари ва манфаатлари ифодачиси сифатида сиёсий майдонга чикди. Шунингдек, партия куйидаги максадларни уз олдига куйди: партиянинг сиёсий мафкураси — либерал гоялар ва кадриятларни кенг гаргиб килиш; урта ижтимоий катлам карашларини ифодаловчи либерализм мафкураси максаддарини, унинг халкаро тажрибасини ёйиш, шу максаддарда партия мафкураси тизимини ишлаб чикиш; илгор демократик мамлакатлардаги либерал партиялар билан алокаларни йулга куйиш ва улар билан умум мафкуравий сохаларда хамкорлик кдлишни йулга куйиш; партия гояларини бошка партиялар билан мафкуравий ракобатдошлик асосидаги сайловлар кампанияларида сайловчилар онги ва дунёкарашига сингдиришга интилиш; партия гоясини ифодаловчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар вакиллари ва партия фидойилари номзодларини парламент, вакиллик органлари ва ижро хокимияти органларига сайланишлари учун кенг фаолият юритиш[1].

Партия умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар катлами, кичик бизнес, фермер ва дехкон хужаликлари вакиллари, умумий тарзда ишбилармон ва тадбиркорларни узининг ижтимоий таянчи, деб эълон килди.

Албатга, мазкур сиёсий партияни мамлакат сиёсий тизимидан урин олишига ижтимоий-сиёсий зарурият хам тугилган эди. 2003 йилнинг узида мамлакатда 35 мингдан зиёд урта

[1] Тадбиркорлар ва ишбилармоилар харакати — Узбекистон Либерал-демократик партияси дастури. — XXI аср. 2004, 1 янв.

ва кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил топди. Кичик ва урта бизнес субъектлари томонидан ишлаб чикдрилаётган ма\-сулотлар республика ялпи ички махсулотининг 34,4 фоизини ташкил этди. Ишга лаёкдтли ахолининг 57 фоизи хусусий ва нодавлат секторда мехнат фаолияти юрита бошлади[1].

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар парламент ва ижроия \окимияти тизилмаларида узларининг манфаатларини ифодалайдиган, узларининг ижтимоий катлам сифатидаги мавКеларининг усишига кумаклашадиган вакиллари булишига зарурият сезмокда эди. Чунки, урта мулкдорлар катламининг шаклланиш жараёнида муаммолар тупланиб, уларнинг ечимлари эеа куп жихатлардан давлат хокимиятида тадбиркорларнинг иштирок этишларига боглик булиб колмокда эди. Айникса, уларнинг хак-хукукдарини химоя этадиган бирон-бир сиёсий куч йук эди.

Партиянинг сиёсий мафкураси сифатида либерализм гояси кабул килинди. Шу билан бирга, партия нафакдт тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини, балки ахолининг бошка гурух ва катламлари, хусусан, ёшлар, аёллар, ишчи ва хизматчилар, зиёлилар, ногиронлар ва кдрияларнинг манфаатлари ва эхтиёжларини хам химоя килишини эълон килди. Чунки, ижтимоий химояга мухтож гурух ва катламларнинг турмуш даражасини яхшилаш, улар рухий ва маънавий дунёсини бойитиш, дунёкарашини кенгайтириш либерал гояларнинг таркибий Кисмларидан бири эди.

Узбекистон Либерал-демократик паргиясини ташкил этишдан асосий максад мамлакатдаги мулкдорлар ижтимоий кдтламини сиёсий куч сифатида интеграция килиш, уларнинг хар бирида сочилиб ётган сиёсий манфаатларини партия тимсолида бир жойга туплаш, ана шу пайдо булган катта сиёсий куч ёрдамида мулкдорларнинг муаммоларини бартараф этишга хар томонлама кумаклашишга каратилди.

Шу максадца партия уз олдига турли назорат идоралари ва турли даражадаги мансабдорларнинг кичик ва урта биз-

[1] Каранг: Тошматов К.-Ф- Мак,сад — жамиятни эркинлаштиришга tyicca кушиш. — XXI аср. 2004, 1 янв.

на корхоналари фаолиятига асоссиз аралашувига бардам | и циш сохасида хам аник, чора-тадбирларни амалга ошириш ил шфасини хам куйди. Хуллас, партия тадбиркорлик фа-(« шятига кенг йул очиб бериш, тадбиркорлар ХУКУК ва манфаатларини барча даражаларда химоя килиш каби пуиалишларни узининг асосий мак,сади сифатида белгилади.

2004 — 2008 йиллар давомида партиянинг 218 та Кррацдлпогистон Республикаси, вилоят, ша\ар ва туман кенгашлари, 6500 дан ортик, бошлангич ташкилотлари ташкил этилди. Партия аъзоларининг сони кдрийб 150 мингга етди. Уларнинг 70 фоизини тадбиркорлар ва ишбилармонлар ташкил этди. Партия 2003 йил 15 ноябрдан бошлаб узининг бош нашри — "XXI аср" газетасини таъсис этди

2008 йил июнь ойида "Фидокорлар" миллий демократик партияси билан Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бир партияга бирлашишига дойр тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Мазкур икки партиянинг курултойлари узларининг сайловлар даврида ва парламент фаолиятида уз таъсирларини ошириш, электоратнинг купрок, кисмини жалб этиш максадларида ягона партияга бирлашдилар. Тузилган янги партиянинг номини Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси деб аташга кдрор кдтинди. Партиянинг марказий, минтакдвий ва бошлангич ташкилотлари хар икки партия вакилларидан иборат холда кдйтадан ташкил этилди. Партия дастури энди жамиятдаги купрок, ижтимоий кдтламлар ва гурухдар манфаатларини ифода эта бошлади.

Мамлакатда мустакиллик йилларида сиёсий партияларнинг давлат хокимияти органларидан мустакдл равишда ривожланиши ва кенг фаолият курсатиши учун ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилди. Шу билан бирга, Олий Мажлиснинг Крнунчилик палатаси "худудий, бир мандатли сайлов округлари буйича куппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир

[1] А\меджанов М.А. Суллик гоясига муросасизмиз. — XXI аср, 2004, 11 ноябрь.

юз йигирма депутатдан иборат"[1] булиши бу кридани Узбекистон Республикасининг "Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида"ги Крнунда мустаккамлаб куйилиши сиёсий партияларнинг мамлакат конун чикарувчи хокимиятини шакллантиришдаги ролини оширди.

Мамлакатда Миллий мустакилликнинг илк даврида давлат томонидан амалга оширилганислохотлар натижаси уларок, фукаролик жамиятининг мухим институти булган сиёсий партияларнинг демократик кадриятлар асосида фаолият юритишлари учун КУКУКИЙ асослар яратилди. К,иска давр ичида мамлакатда бешта сиёсий партия ташкил этилиб, куппартиявийлик тизими сиёсий каётга кириб келди. Парламент, Президентлик сайловлари ва макаллий вакиллик органларига сайловлар асосан куппартиявийлик асосида утказилиши анъанага айланди.

## 3.2. Сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштириш сохасидаги ислохотлар

Узбекистонда сиёсий партияларнинг фукаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини эркинлаштириш, куппартиявийлик тизимини такомиллаштириш ислокотларини чукурлаштиришга дойр муаммоларни бартараф этишда Президент **И**.А. Каримов томонидан илгари сурилган кучли фукаролик жамияти куриш гояси муким акамият касб этди. Унда эътироф этилишича, жамиятда "...ислокотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чикариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига курилган булиб, давлат ва жамиятни бошкаришда фукароларнинг кенг иштирокини таъминлайди"[2].

[1] Каранг: Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида»ги Крнуни (янги та,\рири) // Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №9—10 (1329-1330), 2003, 9-бет.

[2] И.А. Каримов. Хозирги босцичда демократик ислохртларни чукурлаштиришнинг му^им вазифалари. // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. — Т.: Узбекистон, 1997, 109—110-бетлар.

Шунингдек, маърузада жамиятда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва куппартиявийлик тизимини такомиллаштириш сокасидаги муаммолар ва унинг ечимларига дойр мулохазалар билдирилди: "Шуни эътироф этиш керакки, а\олининт аксарият кисми кундалик юмушлар, одатдаги турмуш ташвишлари, иктисодий муаммолар билан яшайди. Одамларнинг янги демократик кдцриятларни идрок этиши кунгилдагидек эмас.... Сиёсий партияларнинг шаклланиш ва карор топиш жараёни гоят суст кечмокда, уларнинг сиёсий ва иктисодий дастурлари хам заифдир. Мамлакатни сиёсий ва иктисодий ривожлантиришнинг муКобил (амалий) турларини ишлаб чикиш ва химоя килишда улар етарлича фаоллик курсатмаяптилар. Бу партияларнинг айби эмас, аникроги кулфатидир. Бундай ахвол партия етакчиларининг фаоллиги ва шижоати талаб даражасида эмаслигидан дарак бериб, биз бугун чинакам демократик жамиятни карор топтиришнинг бошлангич боскичига эндигина кадам куйганимизнинг далолати хамдир"[1].

Узбекистонда куппартиявийлик тизимини карор топишида 1996 йил 25 декабрида Олий Мажлис кабул килган "Сиёсий партиялар гугрисида"ги Крнун мухим урин тутди. К,онун 17 та моддадан иборат булиб, унда сиёсий партияларнинг демократик коидалар асосида фаолият юритишлари учун ривожланган мамлакатлар мезонлари талабларига хос булган хукукий асослар яратилди. Крнуннинг 5-модцасига биноан, "давлат сиёсий партиялар хукукдари ва конуний манфаатлари мукофаза этилишни кафолатлайди, уставда белгиланган уз макеадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ХУКУКИЙ имкониятлар яратиб беради"[2]. Шунингдек, сиёсий хаётда биринчи марта конуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг хукукдари аник ва равшан курсатиб берилди: "Сиёсий партиялар куйидаги **ХУКУКДарга** эга:

[1] И.А. Каримов. Хозирги босцичда демократик ислох,отларии чукурлаштиришнинг му^им вазифалари. // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. — Т.: Узбекистон, 1997. 120—121-бетлар.

[2] Узбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тугрисидаоги Конуни. // Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №2 (1250), 1997, 12-бет.

—уз фаолияти туррисидаги ахборотни эркин таркатиш, уз гоялари, максадлари ва карорларини таргиб килиш;

—сайлаб куйиладиган давлат органларидаги уз вакиллари оркдли тегишли карорларни тайёрлашда иштирок этиш;

—конунда белгилаб куйилган тартибда Узбекистон Республикаси Президенти, давлат хокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

—партия фаолияти билан боглик йнгилишлар, конференпиялар ва бошка тадбирларни утказиш;

— к,онун хужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошка оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

— Узбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифок, (блок) тузиш, улар билан ва бошка жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари урнатиш

Фукаролик жамиятининг мухим белгиларидан бири, бу — сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода килинишига >^укукий асослар яратиб бериш, шунингдек, ХУКУКИЙ давлат фукаролари — плюралистик фикрлашга кобил булган шахсларни шакллантиришдир. Шу максадларда конуннинг 13-моддасида Олий Мажлисдаги партия фракцияларининг эркин фаолият юритишлари, уларнинг хозирги давр илгор мамлакатларидаги меъёрлар талабларига мувофик жамиятнинг сиёсий ривожланишига хисса куша олиш даражасига кутарилишларини ХУКУКИЙ жихатлардан таъминлашга асос соливди: "Сиёсий партияларнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажтисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан курсатилган депутатларнинг таъсис йигилишларида уз партияларининг сиёсатини уюшкокдик билан утказиш учун тузилади".

Шунингдек, конунда сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият курсатиши учун зарур булган хукукий асослар уз ифодасини топди. Жумладан, Конунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият курсатиш принциплари, партияга аъзолик, сиёсий партия фао-

[1] Узбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тугрисида»ги Конуни // Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №2 (1250), 1997, 15-бет.

лиятининг кафолатлари, устави, руйхатга олиш, партияларнинг мулкий муносабатларига дойр барча хукукий макрмларнинг мужассамлашгани Узбекистонда куппартиявийлик тизимини карор топтиришнинг кафолатларидан бирига айланди.

Мазкур конунга биноан сиёсий партиялар фукароларнинг демократик иродалари шаклланиши ни таъминлашда эркин фаолият юритиш хУКУКИга эга булдилар, партияларнинг узаро ХУКУКИЙ тенглиги, шунингдек, уларнинг жамият олдидаги вазифалари ва масъулияти конунлаштирилди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг факат хукукий жихатлардангина кафолатлашнинг узи уларнинг кенг киррали <|)аолиятлари йуналишларини амалга ошириш учун етарли эмас эканлигини хаётнинг узи курсатди. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва сиёсий муносабатлардаги функцияларини тула бажара олиш кобилиятини шакллантириш учун уларнинг фаолиятларини молиявий жихатлардан хам кафолатлаш тажрибаси Узбекистонга хам кириб келди. 2004 йил 30 апрелда иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг XIV сессияси "Сиёсий партияларни молиялаштириш тугрисида"ги Крнунни кабул килди.

Маълумки, хозирги даврда ривожланган мамлакатларда сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш конунчилиги такомиллашиб бормокда. Партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг хукукий асослари сиёсий партияларни фукаролик жамиятининг мухим институти сифатида тан олинишини таъминлаб, бу билан партияларнинг давлат хокимиятини амалга оширишдаги урни анча юксалишига замин яратади. Бу каби молиялаштиришни давлат томонидан тан олиш сиёсий партияларнинг уз функдияларини унумли амалга ошириши натижасида уларнинг давлат олдида масъулият сезиш бурчини шакллантиради.

Купчилик фукаролик жамияти институтлари ривожланган мамлакатлар сиёсатшунос олимлари партияларни давлат томонидан молиялаштиришни демократия муаммолари билан хам боглайдилар. Жумладан, таникди олим Ж. Маслоунинг курсатишича, бирлашма ва уюшмаларнинг конституциявий эркинлиги нафакат партиялар ташкил топишининг

эркинлигини такрзо этади, балки, улар томонидан уз функцияларини амалга ошириш имкониятларига кафолатлар берилишини хам талаб этади. Баъзи бир холатларда давлат томонидан берилаётган ёрдамлар сиёсий демократияни реал мазмунлар билан тулдиришнинг шарти булиб хам хизмат килиши мумкин[1].

Хусусан, сиёсий партияларга молиявий ёрдам бериш партияларнинг сиёсий ракрбатдаги имкониятлар нотенглигини камайтиради, уларнинг алохида жисмоний ёки хукукий шахслар гурухдарига нисбатан карамлигини йукотади. Натижада сиёсий партиялар коррупцияга кдрши курашнинг таъсирчан воситасига айланади.

Узбекистон Республикасининг "Сиёсий партияларни молиялаштириштугрисида'ги Конун мамлакатдаги партияларни демократик кадриятлар талаблари даражасида ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб беришга катга хисса кушди. Конуннинг 7-моддасига мувофик, "Сиёсий партия, агар у Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Крнунчилик палатасига сайлов якунлари буйича "Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Крнунчилик палатаси тугрисида"ги Узбекистон Республикасининг Конституциявий Конуни га мувофик Крнунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур микдорда депутатлик уринларини олган булса, узининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблакпарини олиш хукукига эга булади". Шунингдек, конунда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат маблагларини "олиш ХУКУКига эга булган сиёсий партиялар уртасида уларнинг Крнунчилик палатасида олган депутатлик уринлари микдорига мутаносиб равишда таксимлайди"[2].

Шу билан бирга, мазкур конунга биноан сиёсий партияларнинг Крнунчилик палатаси ва давлат хокимиятининг бошка вакиллик органларига сайловда иштирок этиши,

[1] К,аранг: Демократик куппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари. // Узбекистон: фукаролик жамияти сари. — Т.: Шарк, 2003, 212-бет.

[2] Узбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тугрисида»ги Конуни. // Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №5 (1337), 2004, 32—33-бетлар.

шунингдек, Крнунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолияти хам давлат томонидан молиялаштиIМI пади. Албатга, сиёсий партиялар фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни амалга ошириш сайловларни демократик тамойиллар асосида кечишини хар томонлама кафолатлайди. Партияларнинг марказий ва махаллий органлари сайловчилар билан хар томонлама алокд боглаш, уз фаол иятларини сайловчилар хохиш-иродалари асосида кечишини амалга ошира олиш имкониятларига эга буладилар. Мухими, партияларнинг дастурий максад ва вазифаларини амалга ошира олишнинг молиявий асослари яратилди.

Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш ислохотларини амалга ошириш натижасида сиёсий партияларни жамият институти сифатида кенг фаолият курсатиши учун барча хукукий, сиёсий ва молиявий асослар яратилди. Албатга, мустакдтлик даврида фукаролик жамияти талабларига жавоб бера оладиган сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари хали хам давом этаётганлигининг объектив сабаблари хам мавжуд. Жумладан, сиёсий партиялар миллат менталитетига эндигина кириб келмокда; собик, шуро давридаги бир партиявийлик тизим асоратлари хали ,\ам узини куреатмокда; эски тузумдан мерос булиб крлган ижтимоий лок,айдлик, сиёсий пассивлик, иктисодий бокимандалик ва мутелик рухияти хамон баъзи партия рахбарлари ва ходимлари фаолиятида, афсуски, сезилмокда.

Лекин, бу каби сабаблар сиёсий партияларнинг уз ваколатларини тула бажара олмаётганликларини окдай олмайди. Мустакилликнинг утган даври ичида олдинги хаёт тарзимизда хали синаб курилмаган бутунлай янги миллий давлат барпо этилди. Энг замонавий талаблардаги икки палатали профессионал парламент шакллантирилди. Мамлакатда бозор муносабатларига асосланган иктисодиёт ривожланиб бормокда. Хорижий ва халкаро ташкилотлар тажрибаси хам фукаролар дунёкарашига сингиб бормокда.

Бирок шуни кайд этиш лозимки, хозирги даврга кадар мамлакатда замонавий сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари давом этмокда. Шимолий Америка ва Европа давлатларида илк сиёсий партиялар пайдо булганида уларга шубха билан караш, "турли сиёсий кучлар бузгунчиликка

олиб келади, баркарорлик бузилади, шунинг учун партияларни кучайтирмаслик лозим, партиялар — булиниш воситаси", каби фикр-мулохдзаларга асосланган партияларга нисбатан царашлар уша даврларда партиялар ривожланишини анча кейинга суриб юборган эди[1]. Хозирги даврда Узбекистон жамиятида кам ана шу каби карашлар билан "касалланган" баъзи мансабдорларнинг учраб туриши сиёсий партиялар фаолияти сустлигини "таъминлаб бераётган" омиллардан биридир.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий партияларнинг юксалиши, уларнинг давлат билан жамият уртасидаги муносабатларни таъминлашдаги урнини юксалиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири — уларни давлат кокимиятни шакллантиришдаги урни билан изо\ланади. Хали инсoният тарихида партияларсиз сиёсий элитани адолатли тарзда шакллантиришнинг бирон-бир воситаси ихтиро кдлинмаган. Фукаролик жамияти ва КУКУКИЙ давлат куриш амалиёти шуни курсатдики, факдт сиёсий партиялар воситасида шаклланган сиёсий элита х,ам давлат, кам жамият манфаатлари асосида фаолият курсата олишга кобилдир.

Сиёсий партиянинг ташкилот сифатидаги нуфузини таъминлаб бериш манбаи, бу унинг куйи ташкилотларидаги ва аъзоларнинг фаоллигидир. Партия аъзоларини фаоллаштирувчи омил эеа партиянинг амалий фаолиятида ва унинг дастурий хужжатларида оддий аъзоларнинг манфаатлари нечоглик инобатга олинганлиги билан улчанади.

Партияларнинг энг асосий функцияларидан бири бу нафакат уз аъзолари ва таянч базаси булган ижтимоий катламнинг манфаатларини ифодалаш, балки уларнинг уз манфаатларини англаш даражасига эришишига кам кумаклашишдир. Хеч бир шахеда сиёсий манфаатлар уз-узидан шаклланмайди. Бунинг учун шахе билан партия уртасида доимий тарзда мулокот ва муносабат булиши, шахенинг жамоат ташкилотларидаги иштироки, шахе фаоллиги учун ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилиши талаб этилади. Хар бир шахенинг партия ташкилотлари фаолиятида иштирок этиши учун

[1] Скидмор М. Дж., Трипп М.К. Американская система государственного управления. — М.: СП «Квадрат», 1993. 129-бет.

мазкур ташкилотларда унинг уз манфаатларини ифодаланиши ва амалга ошишига ишонч рукияти шаклланиши талаб этилади.

Бошкдча айтганда, \ар бир партиянинг куйи ташкилотлари сайлов округларида, макаллаларда, мехнат жамоаларида ва ёшлар уртасида узлуксиз ва муттасил равишда сайловчилар манфаатлари ва орзу-истакларига уйгун булган дастурий вазифаларини кенг таргиб-ташвик килиш ва руёбга чикариш нагижасидагина сайловчилар эътиборини узига жал б эта олиши мумкин.

Х,али демократик жамиятда яшаб курмаган, узок, даврлар тоталитар тузум зулми остида булган халкдар онгида миллий, иктисодий ва сиёсий манфаатлар намоён булиши мумкин, аммо, ташкиллашган сиёсий ижтимоийлашув жараёнларисиз уларни интеграция килиш жараёнлари кийин кечади. Бунинг асосий сабаблари шундаки, инсон сиёсий онги ва карашлари факат унинг гурукий ташкилотлардаги фаол иштироки натижаси уларок шаклланиши мумкин. Хали сиёсий онги етарли даражада шаклланмаган инсонда бирон-бир партияда иштирок этиш учун \еч кандай эктиёжнинг узи йукдир. Куриниб турибдики, мамлакатдаги партияларнинг бошлангич ташкилотлари ёки вакиллари фукароларнинг яшаш ва ишлаш жойларида кенг фаолият курсата олмаса, сайловчилар дунёкарашига таъсир этиш кобилиятига эга булмаса, партиялар уз функционал ваколатларини Каётга тулик татбик эта олмайдилар.

Мамлакатдаги баъзи сиёсий партияларнинг сайлов округлари, участкалари тузилиши мумкин булган кудуддарда бошлангич ташкилотлари ёки бошка шаклдаги таъсир курсатиш кобилиятига эга булган гурухдарининг етарли даражада кали мавжуд эмаслиги бу партияларнинг сиёсий сах,надан \али анча йирок эканлигини англатади. Фукаролар уртасида уз бошлангич ташкилотларига эга булган сиёсий партиялар аъзоларининг аксарият кисмида х,али кам партиявийликка дахлдорлик туйгуси эмас, балки купрок расмиятчилик характерига эга булган, факат гокида эсга олинадиган оддий носиёсий корпоративликка мансублик колатларини кузатиш мумкин.

Шунингдек, баъзи партияларда нафакдт аъзолар ёки бошлангич ташкилотлар расмийлашмаган, балки купчилик туман ва ша\арларда уларнинг махаллий партия ташкилотларининг фаолияти умуман сезилмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, бу партияларнинг жойлардаги махаллий етакчилари купинча юкори партия органлари курсатган номзодлар (ижроия кокимият билан келишилган колда) ичидан сайланади. Шунингдек, куп жойларда партия аъзоларининг мавжуд эмаслиги ёки партияга аъзоликнинг ута расмийлиги натижасида кали партиявий омма назоратини узида кис этмаган партия ракбарларининг узибуларчилик кайфиятига мослашиб колганлиги окибатида куйи партия ташкилотларининг шаклланиши кийин кечмокда.

"Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида"ги (янги такрири) Конуннинг 5-модцасида сайловларда яширин овоз бериш коидаси куйидагича ифодаланган: "Конунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хохиш-иродаси назорат килинишига йул куйилмайди"[3]. Узбекистонда бошка куйи вакиллик органларига сайловлар тугрисидаги конунларда кам яширин овоз бериш тамойили мустахкамланди.

Миллий мустакиллик йилларида макаллий вакиллик органларига сайловларга дойр хукукий асослар кам такомиллашди. Узбекистон Республикасининг "Халкдепутатлари вилоят, туман ва шакар Кенгашларига сайлов тугрисида"ги Крнунининг(1994 й. 5 май) 1-моддасида Узбекистонда макаллий вакиллик органларига сайлов утказиш нинг асосий тамойиллари демократик кадриятлар талаблари даражасида белгилаб куйилди: "Халк депутатлари вилоят, туман ва шакар Кенгашларига сайлов кудудий бир мандатли сайлов округлари буйича куппартиявийлик асосида беш йил муддатга утказилади. Халк депутатлари вилоят, туман ва шакар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тугридан-

[1] Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида»ги (янги та)фири) Крнуни. // Узбекистон Республикасининг сайлов конунлар туплами. — Т.: ТДЮИ, 2004. 6-бет.

[2] Уша жойда. 6-бет.

[3] Уша жойда. 6-бет.

турри сайлов ХУКУКИ асосида яширин овоз бериш йули билан сайланадилар"

Демак, Узбекистонда вакиллик органларига сайловларнинг ДУКУКИЙ асослари ХУКУКИЙ давлат ва фукаролик жамияти талаблари даражасида ифодаланди. Вакиллик органлари депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан курсатилиши бу органларнинг куйидаги демократик кадриятлар асосида фаолият курсатишига шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади:

— уларнинг нисбатан мустакил карорлар кабул килишлари ва махаллий ижроия хокимияти фаолиятини холисона бахолашлари;

— жамиятдаги турли ижтимоий катламлар ва гурухлар манфаатлари хамда сиёсий иродаларини вакиллик органларига "ташиш", улар карорларида ифодалаш;

— вакиллик органларидаги турли партиявий фракциялар уртасидаги мулокотлар, бахс ва мунозаралар асосида оптимал карорлар кабул килиш;

— сайловчиларнинг номзодлар орасидан узларига муносибларини танлаш ХУКУКИНИ руёбга чикариш;

— халк депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этган, сайловчилар "танлови"дан утган, тажрибали ва халкчил номзодларни депутат булиб сайланишларига имконият яратиш.

Шунингдек, Узбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тугрисида"ги, "Махаллий давлат хокимияти тугрисида"ги конунларга киритилган узгартишлар ва тулдиришлар, "Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тугрисида"ги конуннинг кабул килиниши билан махаллий вакиллик органларини сайлаш жараёнларини демократик принциплар асосида ташкил этиш шарт-шароитлари шаклланди. Махаллий вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилди.

[1] Узбекистон Республикасининг «Халк; депутатлари вилоят, туман ва шах,ар Кенгашларига сайлов тугрисида»ги (узгартиришлар билан) Конуни. // Узбекистон Республикасининг сайлов конунлар туплами. - Т.: ТДЮИ, 2004. 38-бет.

Шу билан бирга, фукароларнинг бевосита ташаббускор гурухлари воситасида махаллий органлар депутаглигига номзод курсата олиш ХУКУКИ хам кафолатланди. Мамлакатда амалга оширилаётган сайловларга дойр конунчиликни такомиллаштириш жараёнлари фукаролик жамияти ва **ХУКУКИЙ** давлат куриш, фукаролар эркинлиги ва хак~**ХУКУКдарини** таъминлаш билан узвий богликчикдаги узгаришлардир. Махаллий вакиллик органларини сайлаш кампанияларида сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, фукаролар фаоллигини ошириш, бу жараёнларнинг демократик кадриятлар асосида кечишини таъминлаш учун сайлов тизимини фукаролар хукукдари ва манфаатларини химоя килиш билан уйгунлаштира олиш кобилиятига эга булган ХУКУКИЙ асосларни ривожлантирилиши билан мамлакатда фукаролик институтлари кам фаоллашиб борди.

Узбекистон парламентига демократик тамойиллар асосидаги сайловлар илк бор 1994 йил 25 декабрда утказилди. Мустакиллик даврида Олий Мажлисга утказилган биринчи сайлов мамлакатда тобора тараккий топаётган демократик жараёнларнинг амалдаги ифодаси булди. Куппартиявийлик ва мукобиллик асосида утган сайловларда фукароларнинг кукукдари кар жихатдан кадрланди[1].

1999 йил 5 декабрда булиб утган демократик кадриятлар асосидаги сайловга тайёргарлик куришга дойр ташкилий-оммавий ишлар натижасида мамлакатда 250 та худудий сайлов округлари тузилди, 7723 та сайлов участкаси ташкил этилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида 100 мингдан зиёд масъул фаоллар фаолият курсатдилар. Сайлов **ХУКУКига** эга булган 12,5 миллиондан ортик фукароларнинг руйхати тузилди.

Олий Мажлис депутатлигига 1200 дан ортик номзодлар курсатилиб, кар бир урин учун уртача 5—7 тадан номзодлар узаро ракобатлашдилар. Х,ар бир округда туртга сиёсий партия ва кокимият вакиллик органлари факат биттадан номзод курсатиш **ХУКУКига** эга булган булсалар, оддий халкнинг саъй-харакатлари билан вужудга келган сайловчилар ташаббускор

[1] Каранг: Файзиев М. Сайлов тизими. // Узбекистон Республикаси: Энциклопедия. — Т.: Узбекистон, 1997. 196—197-бетлар.

гурухдари бир округда бир нечтадан номзодлар курсатиш имконига эга булдилар. Зеро, айрим жойларда икки-уч ташаббускорлар гурухдари фаолият курсатди. Сайловда иштирок этиш хукукига эга булган фукароларнинг 95 фоиздан ортикроги овоз беришда иштирок этдилар. Сайлов кампанияси жараёнларида 250 та Олий Мажлис депутатлари сайланди.

Сайлов жараёнлари натижаларига биноан (2000 январдаги холат) Узбекистон Халк демократик партиясидан 48 та, "Ватан тараккиёти" партиясидан 20 та, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 10 та, "Адолат" социал-демократик партиясидан 11 та, "Фидокорлар" миллий-демократик партиясидан 34 та, сайловчилар ташаббускор гурухдаридан 16 та, хокимият вакиллик органларидан 110 та депутатлар сайландилар. Уларнинг 18 таси аёллардан иборат булди.

Шунингдек, 1999 йил 5 декабрда булиб утган халк депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига сайловлар Хам демократик тамойиллар асосида утказилди. Бу сайловларда 5 та сиёсий партия, хокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гурухдаридан депутатликка номзодлар курсатишнинг крнуний асослари урнатилиб, унда турли хил ижтимоий катлам ва гурухдар уз вакилларининг депутат булиб сайланишлари учун курашдилар

1999 йил 5 ва 19 декабрда утказилган икки тур буйича овоз бериш натижаларига кура, халк депутатлари вилоят Кенгашларига — 661, туман Кенгашларига — 4564, шахар Кенгашларига — 831 депутат сайланди. Махаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 61 нафари — "Адолат" социал-демократик партияси, 85 нафари — "Ватан тараккиёти" партияси, 20 нафари — "Миллий тикланиш" демократик партияси, 509 нафари — "Фидокорлар" миллий демократик партияси, 1997 нафари эеа Узбекистон Халк демократик партияси вакилларидан иборат булди. 360 нафар депутат — вакиллик органлари, 2943 нафари — фукароларнинг узини узи бошкариш органлари, 81 нафари — сайловчиларнинг ташаббускор гурухдари вакилларини ташкил этди[2].

[1] Сайловлар: хорижий тажриба ва амалиёт. — Миллий тикланиш, 2003, 27 май.

[2] Вакиллик органларига сайловлар. — Узбекистон овози. 2004, 28 окт.

2000 йил 9 январда мамлакатимизда утказилган Президентлик сайлови хам демократик тамойиллар — куппартиявийлик ва мукобиллик асосида утказилди. Номзодларнинг сайловолди ташвикртлари ошкоралик ва тенгхукукдилик асосида олиб борилди. Узбекистон Республикаси Президенти сайловининг юксак даражада утиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Утказилган Президентлик сайлови натижалари куйидагича булди: сайловда 12746.903 сайлов хукукига эга фукаролардан 12123.199 та сайловчилар иштирок этдилар. "Фидокорлар" миллий демократик партияси номзоди Ислом Абдуганиевич Каримов учун 11147.621 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз бердилар. Узбекистон Халк, демократик партияси номзоди Абдулхдфиз Марахимович Жалолов учун 505.161 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 4,17 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси 2000 йил 11 январда утказган навбатдаги мажлисида "Узбекистон Республикаси Президенти сайлови тугрисида'ги Конуннинг 35-моддасига мувофик,, Ислом Абдуганиевич Каримовнинг Узбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тугрисидаги карорини кабул килди [1].

Узбекистонда сайлов крнунчилигининг ривожланишига уйгун равишда фукароларнинг сиёсий ва хукукий маданияти кам кжсалиб борди. Айникса, мустакиллик йилларида фукароларнинг сайловлардаги иштирокининг фаоллиги, уларнинг сайловларга нисбатан муносабатларининг узгариб бориши, халкнинг демократик кадриятларни уз турмуш тарзига сингдириб бориши аник сезилди.

2004 йилги парламент ва макаллий вакиллик органларига сайловлар арафасида — шу йилнинг 20—27 июнида Узбекистон "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини урганиш маркази томонидан утказилган социологик тадкикотларда мамлакат аколисининг демократик сайловлардаги фаолликлари яккол ифодаланди. Социологик тадкикотларда "Сизнинг фикрингизча, Олий Мажлисни ислок этишдан асосий максад нимадан иборат?" деган саволга респондентларнинг 44,8 фоизи "Кабул килинаётган конунларнинг сифатини

[1] Демократик сайловлар. — Адолат, 2003, 24 окт.

ошириш", 27,5 фоизи "Жамият каётининг барча сокалари учун хукукий асослар яратиш учун зарур булган конунлар ишлаб чикиш ва кабул килиш", 16 фоизи эеа "Кабул килинган конунлар ижросини таъминлаш учун таъсирчан назоратни амалга ошириш", деган жавобларни берганлар.

Шунингдек, респондентларнинг берган жавоблари сиёсий партияларнинг хали халк уртасида яхши обруга эга эмаслигини курсатди: "Агар эртага Олий Мажлисга сайловлар булса, Сиз к,айси сиёсий партияга уз овозингизни берган булар эдингиз?" деган саволга 54,8 % респондентлар "Жавоб беришим кийин", 22,6 % суралганлар "Узбекистон Халк демократик иартиясига" деган жавобларни бердилар. Бошка туртта партия ва сайловчиларнинг ташаббускор гурухларига овоз беришни хохпаган респондентларнинг сони эеа 3,2—5,0 % атрофида булди.

"Олий Мажлис депутатлигига номзодлар учун уз овозингизни беришингизда уларнинг куйидаги сифатларидан кайсилари Сиз учун мухим ахамият касб этади?" деган саволга 40,8 % респондентлар "У уз мамлакатининг ватанпарвари, хаётни тушунган, доно ва акдли булиши лозим", 38,6 фоиз суралганлар эеа "Конунчилик, ХУКУК ва давлат бошкаруви сохасида билимларга эга ва профессионал булиши керак" деган жавобларни бердилар.

Социологик тадкикотлар натижалари шуни курсатдики, суралганларнинг 80 фоизи булажак сайловларда иштирок этиш истагини билдирганлар. Аксарият респондентларнинг парламент ва махаллий вакиллик органлари сайловлари мохиятини чукур англаганликлари маълум булди[1].

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси ва махаллий вакиллик органларига сайловлар булиб утди. Сайловлар жараёнлари Конституция ва конунлар талаблари даражасида утказилди. Мазкур Конунга киритилган янгиликлар — вилоят, туман ва шахар халк депутатлари Кенгашларининг парламент куйи палатасига депутатликка номзодлар курсатиш кУКУКИнинг конундан чикарилиши, сиёсий партиялар депутатликка номзодлари руйха-

[1] Электорат Узбекистана в предверии выборов в двухпалатный парламент (социологический анализ). — Т.: УзЦИОМ, 2004. 11, 15, 17-бетлар.

I **ида** хотин-кизларнинг камида 30 фоиз булиши шарт этиб куйилиши, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятини мошнлаштиришга дойр махсус конуннинг к,абул килиниши сайловларнинг демократик мазмунини бойитди.

Сайловда Парламент Конунчилик палатасидаги 120 та лсиутатлик уринларига 489 номзод курсатилди. Жумладан, і иёсий партиялардан — 435 номзод ва сайловчиларнинг ташаббускор гурухдаридан — 54 номзод сайловларда депутатшк уринлари учун курашдилар. Сайловда 12197159 (барча сайловчиларнинг 85,1 фоизи) сайловчилар кдтнагцди.

Утказилган сайловлар натижасида Узбекистон Либерал-демократик партияси Конунчилик палатасидаги 41 уринни (34,2 %) эгаллади. Узбекистон Халк демократик партиясидан 28 та депутат (23,3 %) сайланди. Шунингдек, "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг 18 та номзоди (15,0 %), "Миллий тикланиш" демократик партиясининг II та номзоди (9,2 %), "Адолат" социал-демократик партиясининг 10 та номзоди (8,3 %) Конунчилик палатаси депутата этиб сайланди[1].

Сайлов округларининг деярли 77 фоизида бир депутатлик мандата учун 4—6 та номзодлар узаро кураш олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир депутатлик мандата учун 4 тадан, 32 та сайлов округида 5 тадан, 5 та сайлов округида 6 тадан номзодлар депутатлик уринлари учун курашдилар. Сайлов кампаниясидаги узаро бакс-мунозаралар, шунингдек, овоз бериш натижалари шуни курсатдики, сайловчилар купрок сайловолди дастурлари ижтимоий-сиёсий ва иктисодий муаммоларни бартараф этишга карата лган, демократик ислохотлар тарафдори булган номзодлар учун хайрихох булдилар. Бу сайловда олдинги парламентнинг факат 18 та собик депутата Конунчилик палатаси депутата этиб сайландилар.

Сайловда сиёсий партиялар ва ташаббускор гурухдарнинг 32 мингдан ортик кузатувчилари сайлов кампаниясида фаол иштирок этдилар. Уларнинг сайлов конунчилигига Катьий амал килишни таъминлашдаги киссаси катта булди.

[1] Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005. 92-97, 107-113-бетлар.

Сайлов конунчилигига янги киритилган — сиёсий партияларнинг депутатликка номзодларининг камида 30 фоизи хотин-к,излар булишини шарт к,илиб куйилганлиги узининг ижобий натижасини берди. Конунчилик палатасига 159 та хотин-кизларнинг номзодлари куйилиб, улар узларидаги кучли фаолликни намойиш этдилар. 21 та аёл (17,5 %) Конунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

Сайловда ташаббускор гурухлар номзодларининг кенг иштирок этиши Узбекистонда партиясиз номзодлар хам парламентга депутат булиб сайланишлари учун хукукий жихатлардан кафолатланганлигини курсатди. Фукаролар ташаббускор гурухлари томонидан бевосита курсатилган мустаКил номзодларнинг аксарият кисми сиёсий партиялар номзодлари билан булган кучли ракобатларда ютиб чикишга эришдилар. Сайловчилар ташаббускор гурухлардан курсатилган 54 номзоддан 12 таси Конунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

Конунчилик палатасига сайланган депутатлар таркиби профессионал депутатлар хисобига анча бойиди. Сайланган номзодларнинг 18,3 фоизи хукукшунос, 21,7 фоизи иктисодчи мутахассислигини эгаллаган депутатлардан иборат булди. Шунингдек, Конунчилик палатаси таркиби жамиятдаги турлича ижтимоий катламларининг вакилларини ташкил этди. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, курилиш, транспорт ва алока сохаси, 7,5 фоизи кишлокхужалиги, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва согликни сакдаш сохаси вакиллари ташкил этди. Сайланган депутатларнинг 16 фоизи эеа нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат булди[1].

2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек, 2005 йил 9 январдаги такрорий сайловларда Узбекистон Республикаси Олий Мажтисининг Конунчилик палатаси 120 депутатдан иборат таркибда сайланди[2].

[1] Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005. 92-97, 107-113-бетлар.

[2] Мустафоев Б. Узбекистон парламента сайлови якунлари. // Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005, 30—32-бетлар.

Узбекистон Республикасининг "Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тугрисида"ги Крнунининг ^К-моддасига мувофик2005 йил 17—20 январда Олий Мажlис Сенатига вакиллик органлари — Коракалпогистон /Кукорги Кенгеси, вилоят, туман ва шакар халк депутатлари иштирокида яширин овоз бериш йули билан сайловлар булиб утди. Бу сайловлар кампаниясида махаллий депутатiар орасидан Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сената аъзолари — 84 та сенаторлар сайланди. Шунингдек, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофик Олий Мажлис Сенатининг 16 та аъзоси тайинланди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар очик ва ошкоралик рукияти остида утди. Сайловлар кампанияси жараёнлари 493 та макаллий, 107 та хорижий оммаиий ахборот воситаларида ёритилди. Шунингдек, сайловлар жараёнларида 40 та мамлакатдан 228 хорижий кузатувчилар иштирок этдилар [1].

Конунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гурухдаридан курсатилган номзодларнинг уз дастурларини ташвикот килишлари, сайловчилар билан учрашувлари учун тенг имкониятлар яратилди, уларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдалаиишлари учун кам генг хукукдар берилди.

Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари сайловларнинг ошкоралик ва очиклик шароитларида утказишга муким акамият бердилар. Интернетнинг халкаро тармошда Марказий сайлов комиссиясининг махсус вебсайта очилиб, у муттасил равишда янгиланиб борилди. Бу сайтда сайловларга дойр янгиликлар уз вактида бериб борилди. Натижада журналистлар камда сайловларнинг бориши билан кизиккан барча жамоатчилик вакилларининг ахборотлардан фойдаланишлари учун кулай шарт-шароитлар яратилди [2].

[1] Мустафоев Б. Узбекистон парламента сайлови якунлари. // Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005, 33—34-бетлар.

[2] Нурматов И. Парламент сайловининг очикдиги ва ошкоралиги. // Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2. (11-1), 2005. 38—39-бетлар.

Шунингдек, халк, депутатлари вилоят, туман ва шакар Кенгашларига 2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек, 2005 йил 9 январдаги такрорий сайловлар хам демократик та мойиллар асосида утказилди. Сайловларда 5 та сиёсий партия, хокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гурухдаридан депутатликка номзодлар курсатилиб, унда турли хил партиялар ва ташаббускор гурухдар уз номзодларини депутат булиб сайланишлари учун курашдилар [1].

Утказилган икки тур буйича овоз бериш натижаларига кура, халк, депутатлари вилоят Кенгашларига — 661, туман Кенгашларига — 4564, шахар Кенгашларига — 831, шунингдек, Коракдлпогистон Республикаси Жукорги Кенгесига хаммаси булиб 6114 та депутат сайланди. Махаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 172 нафари (2,8 %) — "Адолат" социал-демократик партияси, 1909 нафари (31,3 %) — Узбекистон Либерал-демократик партияси, 137 нафари (2,2 %) — "Миллий тикланиш" демократик партияси, 581 нафари (9,5 %) — "Фидокорлар" миллий демократик партияси, 2525 нафари (41,4%) — Узбекистон Халк,демократик партияси, 736 нафари (11,9%) — узини узи бошк,ариш органлари, 54 нафари (0,9 %) — сайловчиларнинг ташаббускор гурухлари вакилларидан иборат булди. Сайланган барча депутатларнинг 923 нафари (15,1 %) хотин-к,изларнинг вакилларини ташкил этди [2].

Узбекистонда мустакдллик даврида утказилган сайловлар натижаларининг тахлили шуни курсатдики, мамлакатда демократик кддриятларни миллий анъаналар билан уйгунлаштириш асосидаги ислохотлар тобора чукурлашиб бормокда. Мамлакатдаги сайловларга дойр конунчилик асосларига Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари сонининг 120 тадан 150 тага оширилиши, жумладан, Узбекистон экология харакатига узининг 15 та вакилини Конунчилик палатаси таркибига депутат килиб киритиш кукукининг

[1] Сайловлар: хорижий тажриба ва амалиёт. — Миллий тикланиш, 2003, 27 май.

[2] Узбекистон Республикаси Сенатининг жорий архиви. Коракалпогистон Республикаси Жукорьи Кенгеси, халк депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига сайлов натижалари тугрисида маълумотнома. 2005 й. 10 февраль, 1-бет.

іn рилиши, 2009 йил 27 декабрдаги сайловда Олий Мажшсиинг Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар I \рсатиш хукукини факат 4 та сиёсий партияларга берилиііН (бу сайловда ташаббускорлар гурукларидан Крнунчи- Іик палатаси депутатлигига номзодлар курсатиш ХУКУКИни пскор килиниши) Конунчилик палатасининг янги тарки- («им и янада сифатли булишини таъминлаши, шунингдек, і иёсий партияларнинг сайловчилар иродасини конунларда чнада купрок ифодалай олишлари учун янада кепгрок, шарт-шароитлар яратиши шубхасиз бир холдир.

Умуман, сайлов крнунчилигидаги узгаришлар демокра- I и к сайловлар институтини давлат органларини шакллантиришнинг муким воситаси сифатидаги урнини янада мустах,- камлади, жамият аъзоларини манфаатлари ва иродасини сиёсий карорларда ифодаланиш жараёнларини таъминлаб бера олиш максадида хуку к[11] и асосларни янада такомиллашишиі а имконият яратди. Шунингдек, конунчиликдаги бу узгаришлар фукароларнинг демократик сайловлар воситасида олий ва макаллий давлат кокимияти органлари фаолиятини назорат кила олишлари учун кенг имкониятлар яратди.

Мамлакатда сайловларнинг фукаролик жамияти институти сифатида шаклланиши, уларнинг хатктомонидан тьтироф этилиши, шунингдек, сайловлар жараёнларига замонавий демократик тамойилларнинг жорий этилиши натижасида фукароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари, сиёсий жараёнлардаги иштироклари ошиб бормокда.

Умуман олганда, мамлакатда демократик сайловларнинг \укукий асосларини демократик кадриятлар ва миллий анъаналар уйгунлиги асосида ривожланиши натижасида фукаролик жамиятига хос булган ижтимоий-сиёсий муносабатлар шаклланди. Мамлакатда сайловларнинг адолат тамойиллари ва халкчиллик асосида утказишга дойр ислохотларнинг гобора чукурлашиб бораётганлиги Узбекистон мамлакатининг пировард стратегик максади фукаролик жамияти куриш эканлигини англатади.

Мамлакат парламенти ва махаллий вакиллик органларини шакллантиришнинг асосий воситаси булган демократик

сайловлар тизими, бир томондан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида шаклланган демократик кддриятларни узида мужассамлаштириб борган булса, иккинчи томондан, Узбекистонда бир неча минг йиллардан буён яшаб келаётган адолат ва халкчиллик каби миллий кддриятларни узлаштириб борди.

Мухими, мамлакатда утказилган сайловлар фукаролик жамиятининг институти сифатида мамлакатдаги барча ижтимоий кдгламлар ва гурухдарнинг сиёсий иродасини ифодалай бошлади. Жамият аъзолари иродасининг сайловлар воситасида давлат сиёсатида ифодаланиши натижасида фукаролик жамиятига хос булган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

# IV боб

# УЗБЕКИСТОНДА ФУКДРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

## 4Л. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимининг ривожланиш жараёнлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни узини узи бошкдриши асосида, яъни фукаролик жамиятининг мустакдл ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эхтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо булди. XX асрга келиб нодавлат нотижорат ташкилотлар фукаролик жамиятининг мухим ва асосий институтларидан бирига айланди.

Фукаролик жамиятининг илк шаклланиш даври нодавлат ташкилотларнинг пайдо булиши билан богликдир. Сиёсий тизимда демократик кадриятлар кенг уринга эга булиб боргани сари мухим ижтимоий муаммоларни хал этишда "учинчи сектор" деб аталувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар мухим урин тута бошлади. Хозирги даврда "учинчи сектор" тушунчаси дунёдаги барча мамлакатларда хайрия максадларида ташаббус курсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларга (ННТ) нисбатан кулланиши кенг туе олди (биринчи сектор — давлат, иккинчи сектор — тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

Хозирги даврда фукаролик жамиятини шакллантириш, хукукий давлат куриш вазифалари нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантиришни такозо этмокда. Фукаролик жамияти шароитларида фукароларнинг турли-туман узаро муносабатлари ва хамкорлиги, уларнинг ихтиёрий равишда жамият бошкарувида иштирок этиши жараёнлари асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Давлат билан жамиятнинг бир-бирларидан бегоналашмаслиги хам нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши билан богликдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар тугрисида тасаввурга эга булиш учун, аввало, манфаатлар, шунингдек, ижтимо-

ий ва сиёсий манфаатлар тушунчаларига аникдик киритишга эхтиёж сезилади. Маълумки, манфаатлар — индивиддар ва гурухдарнинг ижтимоий хатти-хдракатларини белгиловчи сабаблардир. Уз вактида Томас Гоббс "\окимиятга интилиш, инсон хулк,ини \аракатга келтирувчи кучларнинг узаро душманлиги — шахсий манфаатларнинг мантилий натижасидир"[1], деб курсатган эди.

Гегель эеа: "инсон уз эркинлигини хаётга татбик кдлиши лозим, бу унинг бош манфаатини гашкил килади, унинг фаолияти шундан ташкил топади... Манфаат, "interest mea"[2], мен факат каракатдаман, менинг харакат килиш ва манфаатли булишимнинг субъектив иродаси шунга тенгки, мен Харакат кдтаётганимда мен иштирок этишим лозим"[3], — деб курсатган эди.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда хукумат алохида олинган фукароларга нисбатан улар аъзо булган ижтимоий гурухдар воситасида таъсир курсатади. Ижтимоий гурухдарни бирлашишга, харакат килишга ундовчи куч, бу уларнинг манфаатларидир. Манфаатлар алокида ижтимоий гурухдарнинг манфаатлари сифатида шаклланган булса-да, бу гурухдарнинг аъзолари факат мазкур бир гурухнинг эмас, балки бир вактнинг узида бошка ижтимоий гурухларнинг хам аъзоси булиши мумкин.

Фукароларнинг маълум бир ижтимоий гурукга мансублигидан келиб чикиб нодавлат нотижорат ташкилотларга уюшиши натижасида манфаатлар уйгунлашуви руй беради. К,айси индивиднинг кандай ижтимоий акамиятли гурукга аъзолиги, унинг манфаатларининг кай бири устувор ва баркарор акамиятга эга эканлигидан келиб чикиб, у узининг мукимрок булган ижтимоий гурукаъзолигига купрок эътибор беради. Ана шундай акамиятли гуру.ушр таъсири ижтимоий тузулмалар иродасини ифодалайди.

Институтлашган ижтимоий гурухзар шаклини олган манфаатлар гурухлари турли мамлакатларда уларнинг тари-

[1] Фромм Э. Бегство от свободы. Пер. с англ. — М.: Прогресс, 1989, 16—17-бетлар.

[2] «Interest mea» — «мен учун му\им», (лот.). Карамг: Гегель Г.В.Ф. Философия права. — М.: Мысль, 1990. 499-бет.

[3] Гегель Г.В.Ф. Философия права. — М.: Мысль, 1990. 418-бет.

хий тажриба ва анъаналаридан келиб чикиб турлича номларда аталади. Масалан, АКДГда манфаатлар гуруклари фукаролик институтлари, волонтёрлар ташкилотлари, умумий манфаатлар гурухдари, босим утказиш гурухдари, деб аталса, Рарбда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари, жамгармалар каби номлар билан аталади. Шунингдек, АКД1 ва Fap6 социологиясида эеа бу ташкилотлар "манфаатлар гурухдари" номи билан кенг таркалди. Узбекистонда эеа мустакдлликнинг илк давридан бошлаб бу ташкилотлар жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар, жамгармалар, уюшмалар каби номлар билан кенг оммалашди.

Ривожланган мамлакатларда ишчилар, декконлар, фермерлар, ишбилармонлар, турли касбларга дойр уюшмалар, хотин-кизлар, ёшлар, фахрийлар, диний бирлашмалар каби юз минглаб жамоат ташкилотлари булиб, улар узларига аъзо булган индивидларнинг манфаатлари ва эктиёжларини кондиришнинг узига хос зарурий фаолият курсатиш майдонига айланган. Ижтимоий фанларнинг сунгти натижаларига мувофик, манфаатлар гурухдари, бу — унга аъзо булган кишиларнинг манфаатларини бошка гурухдар ва сиёсий институтларнинг узаро муносабатларида, шунингдек, уз гуруки ичида ифода килиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда мавжуд булган барча манфаатларни камраб олиб, уларни ифодалагандагина, улар уз максадларини самарали бажарадилар. Жамиятда турлича, жумладан, иктисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, миллий, мафкуравий, маданий, экологик, кудудий, минтакавий, диний хамда яна унлаб айрим сокаларга дойр манфаатлар мавжуддир. Манфаатлар гурукдари ана шу манфаатларнинг ифодачиси сифатида пайдо булади ва фаолият юритади. Манфаатларнинг гурухдар воситасида ифода этилиши сиёсий карорлар кабул килиш учун ёрдам беришдан ташкари, улар давлат ва хукумат органлари учун зарур булган ахборотлар ва бошка маълумотларни етказиб бериб туриши мумкин[1].

[1] Основы политической науки, часть II. — М.: МГУ, 1996. 7-8-бетлар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар индивидларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарк килиб, кокимиятни эгаллаш, лавозимларга номзодлар курсатиш билан шугулланмайдилар. Лекин, улар хукумат ва бошКа сиёсий ташкилотларга таъсир килиш учун харакат киладилар. Бу сохддаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасисиз булиши лозим. Манфаатлар гурухдарининг харакат усуллари давлат органларини ишонтириш, маслахат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларга ижтимоий гурухдарнинг эхтиёжларини етказиш, уз манфаатларини кондириш учун ташкилий тадбирлар утказиш билан чегараланади[1].

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функциялари турлитумандир. Бирок, уларнинг асосий функцияларидан бири — турли ижтимоий гурухдар ва катламлар манфаатларини артикуляция[2] килишдир. Манфаатлар гурухдари индивидлардаги турли йуналишдаги карашлар ва фикрларни бир тизимга келтиради, бирон-бир ташкилотнинг бир колипга солинган манфаатлар тизими асосида ташкилотнинг харакат дастурининг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар куплаб айрим манфаатларни агрегация килиш (мунозаралар ва мухокамалар ёрдамида турли манфаатларни уйгунлаштириш ва улар уртасида маълум бир муносабатлар тизимини урнатиш) фаолиятини хдм олиб боради. Бу жараёнда энг асосий ва мухим ахамият касб этадиган, гурух аъзоларининг кенг кртламлари карашларини ифода эта оладиган манфаатлар танлаб олинади ва уларни амалда кондиришнинг зарурий чора-тадбирлари курилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гурухнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларнинг кенг жамоатчиликнинг хохиш-иродаси сифатида давлат ва хукумат органларига етказилиши — сиёсий карорлар кабул килиш учун мухим ахамиятга эгадир. Крлаверса, бунда куплаб манфаатлар гурухдари ва ижти-

' Ористейн Н. Демократик жамиятда конун чикарувчи кокимият урни. — Озодлик рисоласи. — Вена: АКДЦ информация агентлиги, 1994. 8—9-бетлар.

[2] Артикуляция (лот.) — кишиларнинг бир-бирига ухшаш манфаатларини гуру^ ёки ижтимоий катлам микёсида бирлаштириш.

моий цатламлар уртасида узаро келишув ва мувофикдашув руй беради.

Манфаатлар гуру>у1арининг яна бир функцияси — манфаатларни интеграция кдпишдир (бир бутунликка бирлаштиришдир). Бу — айрим ижтимоий гурухдар ташкдрисида уз аъзолари манфаатлари асосида фаолият курсатаётган турли ижтимоий гурухдар билан бошка бир гурух, манфаатларини якинлаштириш демакдир. Ана шу жараёнда турли ґурујуіар уртасида битимлар тузилиб, ижтимоий келишувлар ва муросасозликлар муста\камланиб боради[1].

Х,озирги даврда АКДХда тадбиркорлар доираси манфаатларини ифода этувчи манфаатлар гуру\лари Мустакил Бизнес Миллий федерациясига бирлашганлар. ГФРда эеа Немис касаба уюшмаси федерал бирлашмаси, Немис иш берувчилари уюшмаси федерал бирлашмаси, Германия саноатчилари федерал бирлашмаси, Солик туловчилар уюшмаси, Демократик олимлар уюшмаси, Немис спорт уюшмаси каби бир кднча манфаатлар гурухдари фаолият курсатади. Худудий, минтакавий ва федерал даражаларда хдм хунармандлар, талабалар, врачлар, маданият арбоблари, турли истеъмолчилар уюшмалари ва ташкилотлари фаолият курсатади. ГФРда 4 — 5 минг атрофида ана шундай бирлашмалар фаолият юритмокда.

Бошка ривожланган мамлакатларда \ам манфаатлар гурухдари жамиятнинг асосий кисмини ташкил этади. АК,Ш да 1 миллиондан купрок нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритадилар. Уларда мамлакат ахрлисининг 7,8 %и хизмат килади. Дунёнинг бошка ривожланган мамлакатлари хукуматлари хдм мухим иктисодий, ижтимоий, экологик ва бошка долзарб муаммоларни хдл этишда жамоат тузилмаларига, биринчи навбатда нодавлат нотижорат ташкилотларига таянадилар. Ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд ахрлинииг 4,9 фоизи бевосита нодавлат сохдда мехнат Киладилар. Бу курсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 11,5, Бельгияда 10,5, Исроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир[2].

[1] Хейвуд Э. Политология. Учебник. Пер. с англ. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. 344—355-бетлар.

[2] Анхайер X. Гражданское общество и «третий сектор». — Deutschhend. №5. 2000. 22—23-бетлар.

Хозирги давр сиёсатшунослари ва социологлари А. Токвиль колдирган меросдан келиб чикиб, АКД1 ва Европадаги сиёсий ташкилотлар табиатидаги фаркданишларни курсатар эканлар, куплаб мамлакатларнинг фукдролари ихтиёрий ташкилотлар фаолиятига турлича тарзда жалб кдлинишига эътибор кдратмокдалар.

Италиялик сиёсатшунос олим К. Рэнсининг ёзишича, Италияда жамоат ташкилотлари тез усиб боришига карамасдан, улар сонининг усиши жих;атдан бошка мамлакатларга нисбатан оркада крлмокда. Мунтазам утказиб туриладиган социологик тадкикотларга биноан, 18 ёшдан 74 ёшгача булган Италия ахрлисининг факат 12 фоизи ихтиёрий нодавлат нотижорат таш кил отларда иштирок этадилар. АКДНда эеа бу курсаткич 20 фоиз атрофидадир (агар АКДИда сайловлар кампанияси бошланса, бу курсаткич икки марта купаяди). Италияда келтирилган ана шу 12 фоиз иштирокчиларнинг факат учдан икки кисмигина "учинчи сектор'да фаол катнашади. Иштирокчиларнинг колган учдан бир кисми эеа нодавлат нотижорат ташкилотларда факат номигагина Катнашади. Ундан ташкари, Италияда хайрия ёрдамлари уюштириш хам нисбатан паст даражада булиб, уртача 46 фоиз Италия ахрлиси хайрия эхтиёжларига пул билан кумаклашадилар. Бу каби курсаткич АКД1да 55, Буюк Британияда эеа 65 фоизга тенгдир[1].

Собик тоталитар тузумдан халос булган Польшада хам кейинги ун йилликда нодавлат нотижорат ташкилотлар тезлик билан ривожланиб бормокда: "Klon/ Jawor" ахборот марказининг маълумотига кура, уюшма ва жамгармалар 18,5 мингдан 48 мингтага купайди. Мамлакат буйича \ар 10 минг ахрлига 6,14 та нодавлат нотижорат ташкилоти тугри келди[2].

Бугунги кунда 5 мингдан ортик халкаро ИНТлар бирон-бир маълум мамлакатда руйхатдан утганлигига карамай, уларнинг аксарияти доимий равишда бошка мамла-

[1] Рэнси К. Демократия в действий: социальное участие и «третьий сектор» в Италии. // Гражданское общество и право. — М.: РАГС, Реф. бюлл., №1(47), 2003, 88-92-бетлар.

[2] Курчевски Й., Курчевски Я. Гражданское общество в Польше. // Гражданское общество и право. — М.: РАГС, Реф. Бюлл., №1(47), 2003, 24—25-бетлар.

катларда уз фаолиятларини амалга оширмокдалар. Турлича омилларни узаро мувофик, келиши натижасида **хамда** "совук, уруш'дан кейинги сиёсий чеклашларнинг тугатилиши, янги коммуникациявий ва ахборот технологиялари, паст транспорт харажатлари ва демократиянинг кенг таркалиши ок,ибатида ННТларнинг уз таъсирини кенгайтиришлари ва давлатлараро иттифокдар, бирлашмалар ва коалициялар тузишлари учун кулай шарт-шароитлар шаклланди.

Хозирги даврда ривожланган мамлакатларда нодавлат нотижорат ташкилотларни кар томонлама такомиллаштириш натижасида кучли фукаролик жамияти куришга эришилди. Уз урнида, бу жамият фукаролар ХУКУК ва манфаатларини химоя кд/шш хамда ахрли ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг сиёсий карорлар кабул кдлишда фаол иштирок этишини таъминлашда мухим омил булмок,-да.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасидаги "Узбекистон Республикаси фукдролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошкд жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий харакатларда иштирок этиш ХУКУКига эгадирлар"[1] каби фукароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб^берадиган ХУКУКИЙ асосларнинг эътироф этилиши республикада жамият тараккиёти инсоният каётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффакиятли утган эркинлик жамияти — фукаролик жамияти сари интилаётганлигини англа! ади.

Хозирги даврда Узбекистондаги іюдавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти 1991 й. 14февралда **Кабул** килинган Узбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари туфисида"ги Конуни (1997 й. апрелда кушимча ва узгартиришлар киритилган), Узбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, уларнинг хукукдари ва фаолиятининг кафолатлари туфисида"ги Конуни (1992 й. июль), Узбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар туфисида"ги Конуни (1996 й. декабрь), Узбекистон Республикаси-

[1] Узбекистан Республикасининг Конституцияси. — Т.: Узбекистан, 2003. 9-бет.

нинг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида" янги тахрирдаги Конуни (1998 й. май), Узбекистон Республикасининг "Фукароларнинг узини-узи бошкдриш органлари тугрисида" янги такрирдаги Конуни (1999 й. апрель), Узбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида"ги Конуни (1999 йил апрель) каби Конунлар воситасида мувофикдашади.

Узбекистонда нодавлат ташкилотларга дойр конунчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халкаро хукукий меъёрлар ва миллий анъаналар асосида шакллантирилган булиб, у узида демократик принциплар ва кддриятларни мужассамлаштиради. Мамлакатда давлат бош ислохотчи сифатида нодавлат ташкилотларнинг конунчилик асосларини кар томонлама ривожтантиришга муким ахдмият бермокда. Парламентда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофикдаштиришга дойр юзлаб конунлар ва бошка хукукий меъёрлар кабул килинган булиб, уларнинг ичида Узбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари туррисида"ги Конуни (1999 йил 14 апрель) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг серкирра фаолиятини кар томонлама мувофикдаштириш ва кукукий жикатлардан таъминлашга каратилди.

Конуннинг 1-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тузишнинг умумий максади ижтимоий фойдали манфаатларнинг кондирилиши эканлиги эътироф этилиб, бу билан нодавлат ташкилоти уз фаолиятида халкчиллик принпипига амал килиши шарт эканлиги белгилаб куйилди[1].

Мазкур Конуннинг 2-моддасида "Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси"нинг таърифи демократик кадриятлар асосида талкин кдлинади: "Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни уз фаолиятининг асосий максади килиб олмаган Камда олинган даромадларни (фойдани) уз катнашчилари (аъзолари) уртасида таксимламайдиган узини узи бошкариш ташкилотидир.

[1] Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари туфисида»ги Узбекистон Республикасининг Конунига uiapjуiар. — Т.: Адолат, 2001. 15-бет.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг хукукдари ва конуний манфаатларини, бошкд демократик кадриятларни кимоя килиш, ижтимоий, маданий ва маърифий макеадларга эришиш, маънавий ва бошк,а номоддий эктиёжларни кондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун камда бошка ижтимоий фойдали максадларда тузилади"[1].

Ушбу конунда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлатнинг камкорлиги шундай уз ифодасини топганки, давлат органи, яъни парламент конун кабул килади, бу конунга биноан "учинчи сектор" аъзолари ва жамият манфаатлари учун хизмат килади. Крнунда кайд этилган ижтимоий фойдали максад тушунчаси нодавлат ташкилотлар фаолиятини аколининг ночор катламларини ижтимоий кимоя килишга йуналтиради. Давлат органларининг муким функцияларидан бири аколини ижтимоий Кимоя килиш эканлигини эътиборга олсак, бу сокада давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг узаро камкорлиги учун кукукий асосларнинг яратилганлиги намоён булади.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари туфисида"ги конунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотларининг максаддари Куйидаги йуналишлардаги фаолиятлар буйича амалга оширилади:

— биринчидан, кенг маънодаги маданий максаддарга эришиш кузлаб тузилган. Бунда маориф, илм-фан, маданият сокаларида фаолият олиб борилади;

— иккинчидан, мамлакат аколисининг сикат-саломатлигини таъминлашни кузлаб фаолият юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланувчи, турли хил хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг илгор тажриба камда усулларини таргиб этувчи ташкилотлар);

— учинчидан, турлича фаолият йуналишидаги хукукни мукофазаловчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар КУКУКИни кимоялаш жамияти);

[1] Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг Конунига шар\лар. — Т.: Адолат, 2001. 14-бет.

— туртинчидан, фукароларнинг маънавий ва бошка хилдаги номоддий эхгиёжларини крндиришга каратилгаи ташкилотлар (носнёсий уюшмалар, ижтимоий жамгармалар ва бошкдлар);

— бешинчидан, хайр-эксон ишлари билан шугулланувчи ташкилотлар[1].

Узбекистонда нода&лат нотижорат ташкилотларнинг узаро муносабатлари ва камкорлиги ушбу Конуннинг 4-модцасида куйидагича таърифланади: "Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг **кУКУКлари** ва конуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий каётда иштирок этиш учун тенг КУКУКИЙ имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алокида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кумак курсатиши мумкин.

Конуннинг мазкур 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари билан узаро муносабати асосларини белгилаб беради. Давлат, бир томондан, конуний асосда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ХУКУКИ ва Конуний манфаатларини мустаккамлайди, иккинчи томондан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг КУКУКИ ва конуний манфаатларини .хукукий жихагдан кимоя килиш масъулиятини уз зиммасига олади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ХУКУКИ ва конуний манфаатлари амалга ошишини кафолатловчи шарт-шароитлар яратади, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига конун талабларини сузсиз ижро этиш вазифасини юклайди, зарур колатларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ХУКУКИ ва конуний манфаатларини кар хил тажовузлардан кимоялайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари уз ХУКУКИ ва конуний манфаатларини кимоя этилишини мавжуд барча хукукий усуллар билан мукофазалашга хакдидир.

Шунингдек, конуннинг 4-моддасига мувофик нодавлат нотижорат ташкилотлари узларининг молиявий манбаини

[1] Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари туфисида»ги Узбекистон Республикасининг Конунига шар\лар. — Т.: Адолат, 2001. 16-бет.

шакллантириш, ички тизилма ва асосий фаолият йуналишларини уз ихтиёри билан узи белгилаш масалаларида туда мустакддцир

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар ва халк,аро \УКУК меъёрлари ва миллий конунчиликдан келиб чикиб давлат куйидаги йуиалишларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини назорат ЭТИШ кУКУКИга эгадир:

— нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятлари Узбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари доирасида амалга ошириш лозимлиги давлат томонидан назорат этилади (Конуннинг 34-модцасига мувофик)[2];

— нодавлат нотижорат ташкилотларини руйхатга олган давлат органи мазкур ташкилотлар фаолиятлари йуналишлари улар низоми доирасида булишини назорат этади (Конуннинг 21-моддасига мувофик) [3];

— нодавлат нотижорат ташкилотлари анжуманлари ва гадбирларида давлат органлари вакили иштирок этиши мумкин;

— нодавлат нотижорат ташкилотлари статистика ва солик органларига уз вактида камда тегишли тарзда кисобог беришларини назорат килади (Конуннинг 33-моддасига мувофик)[4]-

— нодавлат нотижорат ташкилотлари, уз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди [5], яъни, улар давлат органларининг иши устидан назорат урнатиш, кисобот галаб этиш, молиявий назорат урнатишга какди эмас.

[1] Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари три-сида»ги Узбекистон Республикасининг Крнунига шар\лар. — Т.: Адолат, 2001. 22—23-бетлар.

[2] Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг Конунига mapjyiap. — Т.: Адолат, 2001. 129—130-бетлар.

[3] Уша жойда. 90-бет.

[4] Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг Конунига шар\1ар. — Т.: Адолат, 2001. 126-бег.

[5] Узбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Узбекистон, 2003. 12-бет.

Лекин, бизнингча, хозирги ижтимоий-сиёсий каёт шуни курсатмокдаки, бу коидага узгартишлар киритишга э^тиёж сезилмокда. Чунки, бу коида нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни кийинлаштирмокда. Шунинг учун \ам бу коида "нодавлат нотижорат ташкилотлари, уз навбатида, жамоатчилик назоратини амалга оширишдан бошка максадларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди", деган тахрирда берилса, бу сокадаги муаммоларга баркам берилиши мумкин.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида"ги Конуннинг 7-моддаси давлат органлари билан нодавлат ташкилотлар узаро муносабатлари ва камкорлиги фаолиятини хукукий жикатлардан мувофикдаштиради. Бу модда шундай талкин этилади:

"Нодавлат нотижорат ташкилоти куйидаги хукукдарга эга:

— уз аъзолари ва катнашчиларининг хУКУКлари ва Конуний манфаатларини ифодалаш камда химоя килиш;

— ижтимоий хаётнинг турли масалаларига дойр ташаббуслар билан чикиш, давлат кокимияти ва бошкарув органларига таклифлар киритиш;

— давлат кокимияти ва бошкарув органларининг карорларини ишлаб чикишда конун хужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш"[1].

Шунингдек, нодавлат ташкилотлар тизимини янада мустахкамлаш, мазкур ташкилотларнинг жамиятдаги барча ижтимоий катламлар ва гурухдар манфаатларини ифода этиш максадларида 2003 йил 29 августида Олий Мажлис томонидан Узбекистон Республикасининг "Жамоат жамгармалари тугрисида"ги конуни кабул килинди. Унинг 3-модцасига биноан жамоат жамгармаси деб, юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида

' Узбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Конуни. // «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг Конунига шар\лар. — Т.: Адолат, 2001. 28—29-бетлар.

тузилган, узининг аъзоларига эга булмаган, хайрия, ижтимоий, маданий, таълим ёки бошка ижтимоий фойдали максадларни кузда тутган нодавлат нотижорат ташкилотига айтилади. Шунингдек, вилоятлар, шахдрлар ва туманларда хам махаллий жамоат жамгармалари тузиш мумкин[1].

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг фукаролик жамияти институти даражасида булишининг ХУКУКИЙ асосларини ривожлантириш максадларида 2005 йилнинг бошидан Узбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тугрисида'ги конунининглойихасини тайёрлаш жараёнлари бошланди. Бу конун лойихасини ишлаб чикишда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутагларидан ташкдри юзлаб нодавлат ташкилотлари уз таклифлари, тавсиялари, турли тулдиришлар ва кушимчалари билан иштирок этмокдалар. Мазкур конун лойихасида нодавлат ташкилотларни куллаб-кувватлаш ва уларнинг эркин хамда мустакил фаолиятларининг мавжуд конунчилик ва давлат органлари томонидан кафолатланиши асосий максад килиб олинди.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хукукий асослари мустакиллик йилларида узлуксиз равишда ривожланиб борди. Узбекистонда фукаролик жамиятига хос булган демократик сиёсий тизимнинг узига хос хусусиятлари ва ривожлантириш масалалари, унинг демократик тамойиллари Президент И.А. Каримовнинг биринчи чакирик Олий Мажлиснинг VI (1996 йил август) ва XIV сессиялари (1999 йил апрель), иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг I (2000 йил январь), VIII (2002 йил апрель) ва IX (2002 йил август) сессияларидаги маърузаларида назарий ва концептуал жикатлардан кар томонлама асослаб берилди.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар мустакиллигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг фукаролик жамиятининг мухим институтига айланишини таъминлаш мак-

[1] Узбекистон Республикасининг «Жамоат жамгармалари тугрисида»ги Конуни. // Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №9—10 (1329—1330). 2003. 89-90-бетлар.

садида давлатнинг "Кучли давлатдан — кучли фукаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастури кабул килинди ва у мамлакатда жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилига айланди. Жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш масалалари мазкур сиёсий дастур кабул килинганидан кейин янада долзарб ахамияг касб эта бошлади.

Мамлакатда фукаролик жамиятининг асоси булган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига дойр ислохотлар хам тобора чукурлашиб бормокда. 2005 йилга келиб республикада 402 та республика ахамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият курсата бошлади. Улардан 81 таси халкдро ташкилотлар макомига эгадир. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамгарма, 78 таси жамият, 5 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 гаси касаба уюшмалари, 2 таси харакат. 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кумита, яна 37 таси турли номларда расмий руйхатдан утганлар. Шунингдек, Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шахри ва вилоятларда давлат руйхатига олинган 1957 та, шунингдек, хисоб руйхатига олинган 2911та, хаммаси булиб 4868 та махаллий ахамиятга эга булган жамоат бирлашмалари фаолият курсатмокда

Мамлакатда миллий мустакилликнинг дастлабки даврларида Узбекистон "Махалла" хайрия жамгармаси ташкил топди. Утган давр ичида "Соглом авлод учун" халкдро нохукумат хайрия жамгармаси, "Экосан" хаткаро экология ва саломатлик жамгармаси, Марказий Осиё халкдари маданияти Ассамблеяси, Халкаро Амир Темур жамгармаси, Халкдро Имом Бухорий жамгармаси, "Олтин мерос" жамгармаси, республика "Маънавияг ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Халк бирлиги" харакати, Узбекистон фахрийларини куллаб-кувватлаш "Нуроний" жамгармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини урганиш маркази, Товар ишлаб чикарувчилар ва тад-

